“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, “Узлуксиз таълим тизими стандартлари”ни стандартлаштириш бўйича техник қўмита раиси
_____
2018 йил “____” _____

O’z DSt ____:201__ “Соғлиқни сақлаш ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришга қўйиладиган Давлат талаблари” лойиҳасини “Узлуксиз таълим тизими стандартлари”ни стандартлаштириш бўйича техник қўмитада экспертизадан ўтказиш бўйича
ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази,, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2014 йил 23 майдаги «Узлуксиз таълим тизими стандартларини стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг Низоми ва таркибини қайта тасдиқлаш тўғрисида»ги 10кк/31кк/36/1-к-сонли қўшма қарорига асосан тайёрланган **O’z DSt ____:201__ “Соғлиқни сақлаш ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими фаолиятини бошқариш ва ташкиллаштиришга қўйиладиган Давлат талаблари”** лойиҳаси “Ўзстандарт” агентлиги билан келишилган шакл асосида техник экспертизадан ўтказилди.

O’z DSt ____:201__ “Соғлиқни сақлаш ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришга қўйиладиган давлат талаблари” лойиҳаси Республикадаги кадрлар тайёрловчилари ва истеъмолчилари билан ўзаро келишилган.

Техник экспертизадан ўтказилган **O’z DSt ____:201__ “Соғлиқни сақлаш ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришга қўйиладиган Давлат талаблари”** лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига, стандартлаштириш Давлат тизими, ўлчов бирликларини таъминлаш Давлат тизими, сертификатлаштиришнинг миллий тизими, стандартлаштиришнинг тармоқлараро тизими талабларига мос келади ва “Ўзстандарт” агентлигида Давлат рўйхатидан ўтказишга тавсия этилади.

Техник қўмита раиси ўринбосари — **С.Максудов**

Техник қўмита масъул котиби — **И.Ибрагимов**

Олий таълим стандартларини стандартлаштириш бўйича кичик қўмита котиби — **А.Умаров**

Ишчи гурух: — **Б.Назаров**

Ш.Боймуродов

Қ.Хантов

O'z DSt 3322 :2018

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН

ДАВЛАТ ТАЛАБЛАРИ

Расмий нашр

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТАНДАРТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ГОСУДАРСТВЕННЫЕ ТРЕБОВАНИЯ К УПРАВЛЕНИЮ И ОРГАНИЗАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СИСТЕМЫ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ И ПЕРЕПОДГОТОВКИ РАБОТНИКОВ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ

Издание официальное

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

Тошкент шахри

O'z DSt 3322 :2018

Ў З Б Е К И С Т О Н Р Е С П У Б Л И К А С И Н И Н Г
Д А В Л А Т С Т А Н Д А Р Т И

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН

ДАВЛАТ ТАЛАБЛАРИ

Расмий нашр

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлиги
Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

Тошкент ш.

O'z DSt 3322 :2018

СЎЗ БОШИ

1. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ ВА КИРИТИЛДИ.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 26 февралдаги 125-сон буйруғи билан ТАСДИҚЛАНДИ.

3. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ("Узстандарт" агентлиги)нинг 2018 йил "14" 06 даги 05-964-сон қарори билан ЖОРИЙ ЭТИЛДИ.

4. ДАСТЛАБКИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ.

Мазкур стандартни ва унга бўлганган ўзгартиришларни Ўзбекистон ҳудудида жорий этиш ҳақидаги ахборот "Ўзстандарт" агентлиги томонидан нашр этиладиган кўрсатгичда чоп этилади. Ушбу стандартни қайта кўриб чиқиш ёки бекор қилиш ҳақидаги мувофиқ ахборот "Ўзстандарт" агентлиги томонидан нашр этиладиган ахборот кўрсатгичида чоп этилади.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

Ушбу стандартни Ўзбекистон ҳудудида расмий чоп этиш мутлоқ ҳукуқи "Ўзстандарт" агентлигига тегишли.

МУНДАРИЖА

1. ҚЎЛЛАНИШ ДОИРАСИ 1
2. АТАМА ВА ТАЪРИФЛАР 1
3. ДАВЛАТ ТАЛАБЛАРИНИНГ МАҚСАД, ВАЗИФА, ТАМОЙИЛЛАРИ: 4
4. ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИНГ ТУЗИЛИШИ 6
5. МАЛАКА ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ 8
6. МАЛАКА ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИДА ЎҚУВ ФАОЛИЯТИ 11
7. МАЛАКА ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ МЕЪЁРЛАРИ 18
8. ЎҚУВ ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ, ТАШКИЛЛАШТИРИШ ВА ҲИСОБОТ БЕРИШ 26
9. ТИНГЛОВЧИЛАРНИ САРАЛАШ, ҚАБУЛ ҚИЛИШ, РЎЙХАТГА ОЛИШ, ЎҚИТИШ ВА СЕРТИФИКАТ БЕРИШ ТАРТИБИ 28
10. МАЛАКА ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИДА СИФАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИ 32
БИБЛИОГРАФИК МАЪЛУМОТЛАР 36

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

КИРИШ

Мазкур Давлат талаби тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш тартиби ҳамда талабларини белгилайди.

Мазкур Давлат талаблари Соғлиқни сақлаш ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини режалаштиришни ташкил этиш, мазмунини такомиллаштириш, услубий таъминлаш, ўқув жараёнининг сифати ва самарасини оширишга қаратилган. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими ташкилотлари ва бўлинмалари фаолиятини режалаштириш ва ташкил этиш, ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек, таълим сифатини бошқариш ва баҳолаш тартиби ўқув жараёнининг бошқа ҳужжатлари учун асос бўлади.

Ушбу Давлат талабларига мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, таълим муассасаларининг талаби, таълимнинг янги технологиялари ва ноанъанавий ўқитиш шаклларининг ўсиши, соғлиқни сақлаш соҳасидаги дунё ютуқлари, соғлиқни сақлаш ташкилотлари хизматларининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш соҳасидаги замонавий ўзгаришлардан келиб чиқиб, қўшимчалар киритилиши ва такомиллаштирилиши мумкин.

Давлат талабини бажариш барча ташкилотлар, шунингдек, ҳуқуқий шаклидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган соғлиқни сақлаш ходимларининг малакасини оширувчи ва қайта тайёрловчи ҳалқаро ташкилотлар учун ҳам мажбурийдир.

Зарурат туғилганида ҳамда тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими такомиллаштирилганида соғлиқни сақлаш соҳаси ривожланиш истиқболи, бозор эҳтиёжи, таълим муассасалари имкониятлари, янги педагогик технологиялар ва ноанъанавий таълим усуллари ривожланиши, тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш соҳасидаги тенденция ва жаҳон ютуқларидан келиб чиққан ҳолда давлат талаблари тузатилиши ва унга қўшимчалар киритилиши мумкин.

Ушбу қоидаларни ишлаб чиқишда қуйидаги меъёрий ҳужжатлардан фойдаланилди:

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси;
- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси;
- Ўзбекистон Республикаси аҳоли соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонунлари;
- Ўзбекистон Республикаси Таълим тўғрисидаги қонун;
- Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-2107-сон Фармони;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги 3923-сон Фармони;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 октябрдаги “Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-700-сон Қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2956-сон қарори;

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сон қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги "Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги 276-сон қарори.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги "Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги 319-сон қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 августдаги "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги 242-сон қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 апрелдаги "Тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 174-сон қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 10 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2956-сонли "Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳақида"ги 217-сон буйруғи;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 26 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2909-сонли ва "Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2956-сонли қарорлари ҳақида"ги 411-сонли буйруғи;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 22 августдаги "Ўзбекистон Республикаси тиббиёт олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкиллаштириш тўғрисида"ги 474-сон буйруғи;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 6 октябрдаги "Тиббий кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида"ги 599-сон буйруғи;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 11 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3151-сонли қарори ҳақида"ги 449-сон буйруғи;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 12 июндаги ""ги 170-сон буйруғи;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 12 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш муассасаларида шифокорларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муддатлари ва тартиби тўғрисида"ги 202-сон буйруғи;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 12 июлдаги "Тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида ўқув дастурлари мазмуни ва уларни тасдиқлаш тартиби тўғрисида"ги 204-сон буйруғи;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 16 июлдаги "Тиббий ходимларни касбий ривожлантириш ва қайта тайёрлаш тизимида сертификат ва гувоҳномаларни тайёрлаш, сақлаш ва бериш тартиби тўғрисида"ги 210-сон буйруғи;

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 13 ноябрдаги “Тиббий мутахассисликлар, тиббий постлар, шифокорларнинг малакасини ошириш ва мутахассисликларини ўтказиш тартиби ва тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги 445-сон буйруғи.

O‘ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

Ў З Б Е К И С Т О Н Р Е С П У Б Л И К А С И Д А В Л А Т С Т А Н Д А Р Т И

ГОСУДАРСТВЕННЫЕ ТРЕБОВАНИЯ
к управлению и организации деятельности системы повышения квалификации и переподготовки работников здравоохранения

Соғлиқни сақлаш ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришга қўйиладиган
ДАВЛАТ ТАЛАБЛАРИ

THE STATE REQUIREMNETS
to management and activities organization of the system of professional skills improvement and retraininng of medical personnel

Жорий этиш санаси «12» 06 2013 й.

1. ҚЎЛЛАНИШ ДОИРАСИ

Мазкур Давлат талабларини қўллаш соҳаси тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш соҳасида муассаса таълим фаолиятининг илмий асосланган ташкилий ва услубий таъминоти ҳисобланади. Ушбу Давлат талаблари қуйидагиларни белгилайди:

- умумий қоидалар, атамалар ва таърифлар;
- малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими тузилмаси;
- малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими ходимлари;
- соғлиқни сақлаш ходимларининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими бўйича ўқув жараёни;
- малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими ходимининг фаолият нормативлари ва меҳнат фаолияти;
- ўқув фаолиятини режалаштириш ва ҳисоботлаш;
- тингловчиларни танлаш, қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, ўқитиш ва сертификациялаштириш тартиби;
- малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими сифатини бошқариш тизими;
- якуний қоидалар.

2. АТАМА ВА ТАЪРИФЛАР

Мазкур стандартда қуйидаги асосий атамалар ва таърифлар қўлланилади:

соғлиқни сақлаш ташкилоти (тиббий ташкилот) – асосий фаолият шакли аҳолига соғлиқни сақлаш хизматларини кўрсатиш бўлган белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ташкилот. Соғлиқни сақлаш ташкилотларига даволаш профилактика, тиббий профилактика, фармацевтика, тиббиёт ва фармация йўналишидаги таълим муассасалари, шунингдек, суд-тиббиёт экспертизаси ва патологик анатомия ташкилотлари киради;

O'ZSTANDART AGENTLIGI
6457 son bilan
«14» 06 2013 yilda
Davlat ro'yxatiga olindi

тиббиёт ходими – унинг мулк шакли ва идоравий мансублигидан қатъий назар олий ва ўрта махсус касбий маълумотга эга раҳбар, врач, ўрта тиббий, фармацевт ва техник-мухандислик (тиббиёт техникаси бўйича) вазифасини эгаллаган, соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассиси;

малака ошириш – тиббиёт ходимларининг касбий даражаси ва малакасини ошириш, билим ва кўникмаларини чуқурлаштириш ва янгилаш, янги технологияларни эгаллаш, меҳнат шакли ва усулларини самарали ташкил этиш, касбий ва умумий дунёқарашини кенгайтириш;

қайта тайёрлаш – тиббиёт ходимининг янги касбий билим, кўникма ва тажрибасини аниқ мутахассислик бўйича унинг таянч ёки асосий тор мутахассислигига мувофиқ соғлиқни сақлаш ташкилотларида малакавий тавсифи ва талабларига мос равишда керакли ва етарли касбий фаолият олиб бориш учун эгаллашидир. Қайта тайёрлаш клиник ординатура ва ихтисослаштириш шаклида амалга оширилади;

ихтисослаштириш – тиббиёт ходимини қайта тайёрлаш тури бўлиб, янги касбий билим, тажриба ва кўникмани эгаллашга қаратилган янги асосий ёки қўшимча мутахассисликни эгаллаб, унга мос касбий фаолият олиб боришга қаратилган қайта тайёрлаш туридир;

касб – махсус тайёргарлик, тажриба ва иш стажи натижасида эгаллаган, махсус назарий билим ва амалий кўникмалар мажмуига эга бўлган, олий, ўрта махсус ва касбий таълим тўғрисидаги ўрнатилган намунада тасдиқланган дипломга эга бўлган инсон меҳнат фаолияти тури. Масалан, “шифокор”, “ҳамшира”, “фармацевт” касби;

мутахассислик – эгаллаб турган лавозими, бажарадиган ишининг характери ва/ёки хусусиятига мувофиқ у ёки бу касб доирасида тегишли фаолият шакли учун зарур бўлган, белгиланган намунадаги ҳужжат (диплом ёки сертификат) билан тасдиқланган ходим томонидан махсус тайёргарликда олган билимлар, кўникмалар ва амалиётлар мажмуи;

базавий тиббий мутахассислик – олий таълим муассасасида бакалавр ёки касбий таълим муассасасида ўрта махсус маълумот бўйича белгиланган намунавий ҳужжатга эга бўлган касбий тайёргарлик йўналишига мувофиқ тиббиёт ходимининг меҳнат фаолияти (машғулот) тармоғи. Масалан, “умумий амалиёт шифокори”, “тиббиёт ҳамшираси”, “фельдшер”;

асосий (тор) тиббий мутахассислик – тиббиёт таълим муассасаларида ўрта махсус, касбий таълим, бакалавр, магистратура ёки қайта тайёрлаш (врачлар учун клиник ординатура, врачлар, ўрта тиббиёт ва фармацевт ходимлар учун ихтисослаштириш) дастурлари асосида олинган ихтисосликка мувофиқ белгиланган намунадаги ҳужжатга (диплом, гувоҳнома, сертификат) эга бўлган тиббиёт ходими меҳнат фаолиятининг (машғулоти) асосий йўналиши. Масалан, “умумий амалиёт шифокори”, “терапевт”, “хирург”, “онколог”, “акушер-гинеколог”, “операцион ҳамшира”, “рентгенлаборант”;

қўшимча тиббий (врачлик, фармацевтик) мутахассислик – шифокорнинг эгаллаб турган лавозими йўналиши, бажарадиган ишининг характери ва хусусиятига мувофиқ у ёки бу асосий (тор) врачлик (фармацевтик) мутахассислиги доирасида махсус қўшимча билим, кўникма ва технологияларни қўллаш билан тор йўналишдаги фаолият шакли учун зарур бўлган билим, малака ва кўникмалар мажмуини қайта тайёрлаш йўли билан эгалланади ва белгиланган намунадаги ҳужжат (сертификат) берилади. Масалан, терапевт учун “нефрология”, хирург учун “эндохирургия”, даволаш мутахассислигига эга бўлган барча врачлар учун “фитотерапия” қўшимча врачлик ихтисосликлари;

соғлиқни сақлаш ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими ёки *соғлиқни сақлаш ходимларининг дипломдан кейинги таълим тизими* – мустақил турдаги ва таълим соҳасининг қисми бўлиб, ташкил этувчи ва бажарувчи тузилмалари, ўқув ва бошқарув жараёнлари, ўқув дастури ва материаллари, технологиялар, таълим услуби ва шаклининг узаро боғлиқлиги бўлиб, тиббиёт ходимларининг узлуксиз, профессионал таълим олишини таъминлайди;

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёни (тадбири) – тиббиёт ходимларининг давлат талаблари ва белгиланган регламент асосида ўтказиладиган узлуксиз касбий таълим олиши бўйича шакллантирилган тузилмали фаолияти бўлиб, муваффақиятли тугатганда белгиланган намунадаги ҳужжат берилади;

узлуксиз касбий таълим – мутахассисларнинг касбий малакасини ривожлантириш ва унинг юқори даражасини таъминлаш мақсадида тизимлаштирилган (расмийлаштирилган) таълим шаклида ташкил этиладиган амалий кўникмалар ва янги билимлар бериш ҳамда такомиллаштириш. Малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, касбий таълимнинг барча шакллари, давлат талаблари, фаолият кўрсатиш тузилмаси ва муҳитини ўз ичига олади;

узлуксиз касбий ривожланиш – касбий талаб ва эҳтиёжларга жавобан касбий малака, билим ва кўникмаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида фаолият кўрсатадиган тиббиёт ходимларининг тизимлаштирилган (расмий) ва тизимлаштирилмаган (норасмий) барча таълим ва амалий фаолияти;

малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими (тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими) муассасаси – ўрнатилган тартибда руйхатга олинган ташкилот бўлиб, унинг асосий фаолият шакли тиббиёт ходимларига малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича таълим хизматларини кўрсатишдан иборат;

тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими бўлинмаси – малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича соғлиқни сақлаш тизими таълим муассасасининг ихтисослаштирилган тузилмавий бўлинмаси (факультет, кафедра, курс);

ўқитувчи – ўрнатилган тартибда ўзининг базавий касби ва(ёки) мутахассислик йўналиши бўйича ўқитувчилик фаолиятини олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими ходими.

тьютор – масофавий ўқитиш шаклида таълим берилаётган ўқув гуруҳига бириктирилган ўқитувчи, шу жумладан, ўқитувчи-маслахатчи;

мураббий – ўз мутахассислиги бўйича мураббийлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган малакали ходим;

устоз – ёш мутахассис ва стажёрларга янги иш жойида амалий кўникмаларни эгаллашда услубий ва ташкилий ёрдам кўрсатувчи малакали ходим;

тингловчи – малака ошириш курсига ўрнатилган тартибда қабул қилинган шахс.

курсант – қайта тайёрлаш курсини ўтиш учун ўрнатилган тартибда рўйхатга олинган шахс;

стажёр – тажриба алмашиш ва иш жойида янги амалий кўникмаларни ўзлаштириш учун ўрнатилган тартибда бошқа ташкилотга юборилган шахс;

ўқув дастури – таълим мақсади ва вазифаларига мувофиқ алоҳида ўқитиладиган контингентни маълум малака ошириш ва қайта тайёрлаш курси (мавзуси) бўйича тингловчиларнинг керакли ва етарли тайёргарлик даражасини таъминлайдиган, ўқув модуллари/блокларига бирлаштирилган ўқув мавзулари рўйхати ва таълим мазмунини белгилайдиган услубий меъёрий ҳужжат (локал меъёрий акт);

ўқув (календарь) режаси – малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими бўлинмаларининг таълим фаолияти турлари, таълим ҳажми, ўқув курслари (цикллари) рўйхати, уларни ўтказиш кетма-кетлиги ва муддатларини белгиловчи бошқарув ҳужжати;

ўқув курси – малака ошириш ёки қайта тайёрлаш мақсадида алоҳида йўналиш ва/ёки мавзулар бўйича алоҳида тингловчилар контингентини маълум ҳажмда ўқитиш учун мўлжалланган ўқув дастури, ўқув материаллари ва таълим технологияларининг мажмуи;

ўқув цикли – маълум ўқув курси мазмунини самарали ўзлаштириш мақсадида тингловчиларнинг алоҳида контингенти учун ўқув бўлинмалари томонидан мунтазам равишда ташкил этилган ва ўтказиладиган ўқув жараёни;

ўқув модули – ўқув курсининг таркибий қисми бўлиб, ўқув дастурининг умумий мақсад ва вазифаларига мувофиқ ўқув материали таркибий ва таълим вазифаларининг

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

бирлиги ва мантиқий кетма-кетлиги билан бирлаштирилган бир ёки бир нечта ўқув мавзуларини ўз ичига олади;

ўқув блоки – бир ўқув модулини амалга ошириш доирасида бир ёки бир нечта ўқув машғулотларини ўз ичига олган ўқув циклининг таркибий қисми;

ўқув жадвали – маълум ўқув циклида календар муддат ва ўқув машғулотларига кўра таълим мазмунини батафсил белгилайдиган ҳужжат;

таълим хажми – тингловчилар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда кундузги таълим шаклида тўлиқ ва самарали ўзлаштириши учун зарур бўлган маълум ўқув дастури (ўқув курси) бўйича академик соатдаги таълим вақти;

таълим муддати (давомийлиги) – тингловчилар маълум ўқув дастурини (ўқув курси) ўзлаштиришининг календар муддати бўлиб, иш куни ёки ҳафта, ойлар билан белгиланади;

таълим сифати назорати – малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари тингловчиларининг эришилган билим ва кўникмалари даражасини баҳолаш, уларнинг ўқув дастурини ўзлаштириш даражасини аниқлаш, шунингдек, ўқув жараёнини ташкил қилиш ва тайёргарлик даражаси ва сифатини баҳолаш;

тингловчиларни (курсантларни) сертификатлаштириш – тингловчиларнинг ўқув дастури талабларига мувофиқ тўлиқ ҳажмда малака ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув тадбирини муваффақиятли тугатганлигини тасдиқлаш амалиёти;

малака талаблари (малака хусусиятлари) – маълум лавозим вазифаларини самарали бажариш учун зарур бўлган мутахассиснинг билими, кўникмаси, малакаси, касбий тайёргарлиги ва ваколати даражасига қўйиладиган талаблар;

кредит-соат – аттестацияда ходимнинг малака ошириш ҳажмини ҳисобга олиш мақсадида малака ошириш ҳажми йиғиндисининг соатлардаги (кундузги таълимдаги академик соатга тенг) ўлчов бирлиги;

мажбурий хажм – мутахассислик ва/ёки лавозимга мувофиқ малака оширишнинг турли шакллари учун кредит соатларда маълум муддатга (одатда 5 йил) белгиланади. Мажбурий ҳажмда малака ошириш ходимларнинг аттестациядан ўтиши учун муҳим шарт ҳисобланади;

мутахассис/ходимлар аттестацияси – соғлиқни сақлаш мутахассиси/ходимининг малака талаблари ва лавозим мажбуриятлари учун зарур бўлган касбий даража ва малакага мослигини белгилаш жараёни.

3. ДАВЛАТ ТАЛАБЛАРИНИНГ МАҚСАД, ВАЗИФА, ТАМОЙИЛЛАРИ

Мазкур Давлат талабларини киритиш қуйидаги ***мақсадлар***ни кўзда тутади:

- малакали тиббиёт ходимларини тайёрлашнинг замонавий жаҳон талабларига жавоб берадиган тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг ягона ташкилий ва услубий асосини яратиш;

- тиббиёт олий таълим муассасалари, ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, етакчи даволаш-профилактика ва илмий-текшириш муассасаларининг кадрлар салоҳияти ва моддий-техник базасидан фойдаланиш йўли билан амалий соғлиқни сақлаш тизими учун мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш имкониятларини кенгайтириш;

- клиник амалиёт ва аудитория ўқув соатларининг оптимал бирлигини назарда тутувчи унификациялаштирилган ўқув дастурлари асосида ўқув жараёнини ташкил қилиш, замонавий ускуналарда ишлаш тажрибасига эга бўлиш ва унинг ёрдамида олинган диагностик маълумотларни таҳлил қилиш учун шароит яратиш.

Давлат талаблари доирасида қўйилган мақсадларга эришиш учун қуйидаги ***вазифалар***ни амалга ошириш лозим:

- мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгариш, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳот талаблари, шунингдек, фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларини инобатга олган ҳолда малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLARGA MUVOFIQLIK
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

мазмуни ва таълимнинг юқори сифатини таъминлаш;

- ўқув жараёнларини демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш, уларнинг бахрамандлигини ошириш;

- тингловчиларнинг хукуқий ва касбий билимларини, шунингдек, таълим жараёнинг самарадорлигини ошириш;

- сифатли таълим хизматларини кўрсатиш, шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш;

- соғликни сақлаш соҳасидаги таълимнинг барча тур ва босқичларида таълим жараёнининг изчиллиги, узлуксизлиги ва оптималлигини таъминлаш;

- мақсадли ва сифатли кадрлар тайёрлаш учун таълим, фан ва амалиётнинг самарали интеграциясини таъминлаш;

- Давлат талабларининг тиббиёт ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини ташкил қилиш ва сифатга бўлган халқаро талаблар билан уйғунлашувини таъминлаш.

Мақсад ва вазифаларга мувофиқ малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими фаолиятининг ***асосий тамойиллари*** қуйидагилардан иборат:

- соғликни сақлаш тизимида ишлайдиган барча мутахассислар малака ошириши;

- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;

- таълимнинг инсонпарварлик ва демократик хусусияти;

- ўқув тадбирларининг соғликни сақлаш ходимлари учун бахрамандлиги;

- таълим, фан ва амалиётнинг интеграцияси;

- ўқув дастурлари ва ўқув жараёнларининг долзарблиги, уларнинг замонавий фан ютуқлари ва амалиётнинг жорий эҳтиёжларига мувофиқлиги;

- таълим дастурини танлашда ёндашувнинг бирлиги ва киёсийлиги;

- юқори касбий ва ахлоқий стандартларга мослиги;

- соғликни сақлаш муассасалари ходимларининг узлуксиз касбий ривожланишининг замонавий халқаро тамойилларига мослиги.

Мажбурий малака ошириш, узлуксиз ва изчил таълим тамойилларига мувофиқ, фуқароларнинг малакали тиббий ёрдам олишга конституциявий хукуқларини таъминлаш, шунингдек, бемор эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш мақсадида барча тиббиёт ходимлари ва соғликни сақлаш соҳасининг бошқа мутахассислари тизимли (мунтазам) равишда ўзининг малакавий, касбий даражаси ва касбий билимини, шу жумладан, узлуксиз касбий таълим ва узлуксиз касбий ривожланишнинг муҳим таркибий бўлган малака ошириш курсларини ўтиш йўли билан ўрнатилган тартибда ошириши керак.

Таълимнинг инсонпарварлик, демократик хусусияти ва таълимнинг бахрамандлиги тамойилига мувофиқ соғликни сақлаш ходимлари ўзларининг асосий мутахассислиги базасида қайта тайёрлаш (чуқурлаштирилган тайёргарлик) талаб этиладиган малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида иккинчи ва ўз касби доирасида қўшимча ихтисослик олиши мумкин. Шунингдек, амалдаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими доирасида малака ошириш бўйича ўқув тадбирларини ўтиши учун етарлича имкониятига эга.

Таълим, фан ва амалиёт интеграцияси тамойилига кўра малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими муассасалари нафақат инновацион ишланмаларда иштирок этиши, балки тиббиёт мауссасаларининг иновацион ривожланиши, янги тиббий ва ташкилий технологияни тадбиқ қилиш, шу жумладан, ўқув ва илмий жараёнларда тиббиёт олий таълим муассасалари, етакчи тиббиёт ташкилотлар, илмий-тадқиқот институтлари, ихтисослаштирилган ва илмий-амалий марказлар ва бошқа ташкилотларнинг кадрлар салоҳияти ва моддий-техник базасидан фойдаланиш йўли билан ёрдам бериш керак.

Ўқув дастури ва ўқув жараёнларининг долзарблиги, уларнинг замонавий фан ютуқлари ва амалиётнинг жорий эҳтиёжларига мувофиқлиги тамойилига кўра малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими ходимлари тиббиёт фани ва амалиётидаги тиббий хизмат бозоридаги ўзгаришларга тез жавоб қайтариши, соғликни сақлашнинг амалий

STANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

эҳтиёжлари ва фан ва технология ютуқларига мувофиқ ўқув дастурлари ва ўқув материалларини тизимли ва тезкор янгилаши лозим.

Таълим дастурларини танлашда ёндашувнинг бирлиги ва қиёсийлиги тамойилига кўра малака ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув дастурлари соғлиқни сақлаш ходимлари турли контингентининг асл эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, ўқув материаллари ва жараёнлари соғлиқни сақлаш ходимлари алоҳида контингентининг аниқ касбий эҳтиёжларига қаратилган мақсадли ва муаммога йўналтирилган ёндашувлар асосида ишлаб чиқилиши зарур.

Соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларининг узлуксиз касбий ривожланишининг замонавий халқаро тамойилларига мослиги тамойилига мувофиқ ўқув дастурлари, шунингдек, малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича бошқарув, режалаштириш, тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш амалиётининг мазмуни ва услубий қисми илғор халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда умум қабул қилинган касбий ва ахлоқий меъёр доирасида ривожланиши зарур.

4. ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини ташкил қилиш ва бошқариш тузилмаси давлат талаблари ва ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш сифати мониторинги натижалари орасида қайта алоқани ўрнатиш билан ривожланиш тамойилида курилади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш давлат тизими сифатида тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими бош илмий ва ўқув-услубий маркази – Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳамда Тошкент Фармацевтика тиббиёт институти таянч муассасалар ҳисобланиб, тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни амалга оширадиган соғлиқни сақлаш муассасаларида таълим жараёнини унификациялаштириш механизмлари ва ўқув-услубий ҳужжатлар, ташкилий ва илмий-услубий асосларни ишлаб чиқади.

Малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг асосий ташкилотчиси ва ваколатли органи сифатида Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий бошқарувни амалга ошириш;
- тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш сифатига қўйиладиган давлат талабларининг ижросини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимига умумий раҳбарликни амалга ошириш, ўқув жараёнини ташкил қилиш бўйича меъёрий ҳужжатларни ҳамда уни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш, ўқув фаолиятининг умумий ва жорий назоратини амалга ошириш;
- малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида ўқийдиган тиббиёт ходимларининг прогнозланадиган контингентини аниқлаш;
- таълим дастурларининг узлуксизлиги ва кетма-кетлигини инобатга олган ҳолда тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича унификациялаштирилган ишчи, ўқув дастурлар ва режаларини тайёрлаш ва тасдиқлаш;
- аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатадиган бошкарма, муассаса, корхона ва ташкилотларнинг тиббиёт ходимлари малакасини оширишнинг устувор йўналишларини аниқлаш ҳамда таҳлил ва мониторингни инобатга олган ҳолда ўқитишнинг истиқболли режаларини шакллантириш;
- ўқув жараёнига тиббиёт ходимларининг танқидий ва ижодий фикр юритиши ҳамда шаклланишини ривожлантиришга қаратилган прогрессив, шу жумладан,

STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

ўқитишнинг интерфаол шакллари ва янги педагогик технологиялар, глобал интернет тармоғидан фойдаланиш билан ўқитишнинг техник ва ахборот воситаларини татбиқ этишга ёрдам бериш;

- ўқув режа ва дастурларининг бажарилишини таҳлил қилиш, тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш йиллик режаларининг сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида мониторингни амалга ошириш;
- тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими муассасаларини йўриқнома, қўлланма ва бошқа услубий адабиётлар билан таъминлаш;
- мутахассис ва раҳбарлар малакасини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ходимларини тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш учун шартномалар тузиш.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг йиллик ва истиқболли режаларига мувофиқ, шунингдек, бошқа ташкилот ва корхоналар билан тузилган шартнома ва талабномаларни инобатга олган ҳолда амалга оширади.

Малака ошириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнида таянч муассасалар билан ҳамкорликдаги фаолият асосида ҳамкор муассасалар иштирок этиши мумкин. Малака ошириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ҳамкорликдаги таълим-тарбия фаолияти ўзининг ўқув бўлинмалари ўқув базасини кенгайтириш ва таълим-тарбия жараёнига етакчи мутахассисларни жалб этиш мақсадида ҳамкор-ташкилотлар билан ҳамкорликда таянч муассасалар томонидан ўтказилади. Ҳамкорликдаги таълим-тарбия фаолияти қуйидаги муассасалар билан амалга оширилиши мумкин:

- таълим фаолияти асосий фаолият кўриниши бўлмаган соғлиқни сақлаш муассасалари билан;

- таълим фаолияти асосий фаолият кўриниши бўлган тиббиёт олий ўқув юртлари, шунингдек, малака ошириш ва қайта тайёрлаш соҳасида нодавлат ташкилотларини ўз ичига олган муассасалар билан;

- соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида фаолият олиб борувчи нодавлат, хорижий ва халқаро ташкилотлар билан.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув бўлимлари (факультетлар, кафедралар, курслар) фаолияти ва ўқув курслари (цикллар)ини ташкил қилишни *бошқариш тизими* қатор тузилмавий элементларни ўз ичига олади.

Таянч муассасалар – Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Тошкент Фармацевтика тиббиёт институтининг Олимлар кенгаши ва Республика ўрта тиббиёт ходимлари ва фармацевтлар малакасини ошириш маркази Ўқув-услубий кенгаши муассаса фаолиятининг энг муҳим жиҳатлари бўйича қарор қабул қилувчи органлар ҳисобланади.

Таянч муассасаларнинг Марказий ташкилий-услубий кенгашлари таянч муассасаларнинг ўқув бўлимлари, шахобчалари ва уларга бўйсунувчи малака ошириш факультетларнинг ўқув ва услубий фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва тартибга солувчи орган ҳисобланади.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими таянч муассасалари, шунингдек, уларнинг филиалларининг ўқув бўлимлари ва тиббиёт олий таълим муассасаларининг малака ошириш факультетлари фаолиятини умумий мувофиқлаштириш ва самарали бошқариш учун таянч муассаса таркибида Марказий ташкилий-услубий кенгаш ташкил этилади ва у таянч муассасанинг ўқув ишлари бўйича раҳбар ўринбосари томонидан бошқарилади. Марказий ташкилий-услубий кенгаш таркибига таянч муассасаси ва малака ошириш факультетлари деканлари, ташкилий бўлим бошлиқлари, шунингдек, мутахассис ва техник ходимлар киради.

Марказий ташкилий-услубий кенгашнинг асосий вазифаларига қуйидагилар

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

киради:

- ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш жараёнларига ташкилий ва услубий раҳбарлик;

- соғлиқни сақлаш ходимларини малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқув дастурлари ва ўқув материалларини экспертизадан ўтказиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш;

- таянч муассасалар, шунингдек, уларнинг филиаллари ва тиббиёт олий таълим муассасаларининг малака ошириш факультетлари учун соғлиқни сақлаш ходимларининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқув (календар) режа, ўқув дастурлари ва ўқув материалларини кўриб чиқиш ва келишиш;

- малака ошириш ва қайта тайёрлаш эҳтиёжларини йўналишлар, ҳудудлар ва алоҳида буюртмачилар кесимида таҳлил қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизими муассасалари ходимлари малакасини оширишнинг ҳудудий ва умумлаштирилган истиқболли режаларини кўриб чиқиш ва келишиш;

- таянч муассасаларнинг ўқув бўлимлари, филиаллари ва малака ошириш факультетларининг календар ўқув режаларини кўриб чиқиш ва келишиш;

- таянч муассасалар, уларнинг филиаллари ва малака ошириш факультетларининг алоҳида ўқув бўлимларининг календар ўқув режалари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш сайёр ва қўшимча ўқув циклларидаги ўзгаришларни жорий ҳолатни инобатга олган ҳолда, шунингдек, юқори турувчи органларнинг қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида кўриб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш;

- таянч муассасаларнинг ҳамкор ўқув-таълим фаолиятини мувофиқлаштириш ва келишиш;

- ўқув бўлимларида ўтказилган текширув ва назорат рейдларини режалаштириш ва натижаларини кўриб чиқиш, ушбу рейд натижалари бўйича таклиф киритиш;

- ўқув ва ташкилий бўлимлар фаолиятини таҳлил қилиш, уларнинг фаолиятни яхшилаш бўйича раҳбариятга таклиф киритиш.

5. МАЛАКА ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ

5.1 Малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқитувчилик фаолиятини амалга ошириш учун дипломли мутахассислар, тиббиёт муассасаларининг етакчи мутахассислари, хорижий давлатларнинг олимларидан профессор-ўқитувчилар таркиби штат асосида, ўриндошлик асосида ўрнатилган тартибда жалб этилади.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими ўқитувчилари ўрнатилган тартибда танлов ва аттестациядан ўтади.

5.2 Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими профессор-ўқитувчилар таркибига қуйидаги умумий талаблар қўйилади:

- маълум бир мутахассислик бўйича малакали мутахассис билим ва кўникмаларига эга бўлиш, шунингдек, соғлиқни сақлаш ва узлуксиз касбий таълим соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ва директив ҳужжатларни қўллаш;

- зарур бўлган шахсий сифатларга (талабчанлик, объективлик, тартиблилик, ростгўйлик, хушмуомалалик, ўқитувчилик ва илмий ишларга мойиллик ва бошқалар) эга бўлиш;

- узлуксиз касбий таълим тизими, мазкур малака ошириш ва қайта тайёрлаш давлат талаблари атама ва тушунчаларини; малака ошириш ва қайта тайёрлаш соҳасида ўқув-тарбия фаолиятининг замонавий йўналишлари ва услублари, илмий-услубий асосларини; нотиқлик маҳорати асослари; таълим жараёни иштирокчилари билан ўзаро муносабатда касбий этика ва нутқ маданияти меъёрларини; тингловчиларда танқидий фикрлаш тамойилларини шакллантиришни билиш;

- ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда малака ошириш ва қайта тайёрлаш давлат талабларини ижодий қўллай билиш, таълим беришда (ўқитишда) касбий

D'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

маҳорат ва эрудициянинг мавжудлиги, турли кўринишдаги ўқув машғулотларини (маърузалар, семинар ва маҳорат дарслари, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари ва шу кабилар)ни ўтказиш услубига эга бўлиш;

- тингловчилар билимини назорат қилиш ва объектив баҳолаш кўникмасининг мавжудлиги; таълим жараёнининг юқори самарадорлигини таъминлаш; тингловчиларнинг ташаббускорлиги, ижодий кўникмаларини ривожлантириш; катта ёшдаги аудитория ва ишлайдиган мутахассислар билан ишлашда ўқув жараёнини ташкил этиш ва сифатини таъминлашнинг замонавий услубларини қўллаш;

- зарур ҳажмдаги ахборот-коммуникация технологияларига эга бўлиш;

- илмий-тадқиқот ва илмий-услубий ишларни ўтказиш кўникма ва билимларнинг мавжудлиги.

5.3 Малака ошириш ва қайта тайёрлаш нинг асосий жараёнлари (тадбирлари)ни ташкил этиш, режалаштириш ва бошқаришни тузулмавий бўлим раҳбарлари – кафедра мудирлари ва курс мудирлари амалга оширади.

Кафедра/курс мудирларига ўқитувчиларга қўйиладиган умумий талаблардан ташқари қўшимча талаблар ҳам мавжуд:

- кадр буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда фанларнинг ўқув режа ва дастурларини шакллантириш асослари, ўқув дастурларини режалаштириш, ишлаб чиқиш ва жорий этишни ташкилий ва услубий таъминлаш малакасига эга бўлиш;

- тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари назоратини ташкил қилишнинг асослари ва илмий-услубий таъминлаш малакасига эга бўлиш, тингловчиларнинг мустақил таълим олишини ташкилий ва услубий таъминлаш;

- кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатувчи омиллар ва таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси жараёнларини ташкил этиш тўғрисидаги билимга эга бўлиш;

- соғлиқни сақлашда ва дипломдан кейинги таълимда менежмент ва маркетинг асосларини билиш ҳамда унинг амалий кўникмаларига эга бўлиш;

- етакчилик хусусияти ва ишониб топширилган ўқув бўлимида ишни самарали ташкил этиш қобилияти эга бўлиш.

5.4 Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими ўқитувчилари мунтазам равишда белгиланган тартибда малака оширишлари керак.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими ўқитувчилари асосий ва ёндош мутахассисликлар бўйича ўзининг бошқа таянч ўқув бўлинмаларини ўз ичига олган ҳолда, шу жумладан, хорижда ҳам бевосита (малака ошириш) ва билвосита (стажировка, тажриба алмашиш, семинар, анжуман, конгрессларда иштирок этиш) шаклда малака ошириши мумкин.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими ўқитувчилари, ўз йўналишидан қатъий назар, таълим технологиялари, ахборот ва коммуникация технологиялари, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги менежмент ва маркетинг бўйича малака ошириши мумкин. Бу курслар малака ошириш мажбурий соат ҳажмининг бевосита шакли сифатида қабул қилинади.

5.5 Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими ўқитувчиларининг таълим фаолияти ҳисобот даврида улар томонидан ишлаб чиқилган янги ёки янгиланган ўқув курсларининг ҳажми бўйича тегишли мутахассислик йўналиши бўйича бевосита малака ошириш шаклларини ўтиш каби эгаллаб турган лавозимга мувофиқлик ва малака тоифаси аттестациясида ҳисобига олинади. Бундай малака оширишнинг умумий ҳажми 5 йилда 144 кредит соатдан ошмаслиги керак. Шу билан бирга 1 та янги ўқув курс ишлаб чиқувчиларнинг икки нафари ва янгиланган ўқув курси фақат бир нафар ишлаб чиқувчи учун (ўқув дастури умумий ҳажмининг камида 30 % янгиланиши билан) малака ошириш сифатида ҳисоблаш мумкин.

Аттестацияда ҳисобга олинадиган янги ёки янгиланган ўқув курси ишланмаси ҳажмига таркибида камида иккита ўқув-услубий ишланма ёки бита ўқув-услубий ёки

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

битта ўқув қўлланма, ёки битта қўлланма, ёки битта монография бўлган ўқув дастури ва ўқув материаллари киради. Кафедра мудирлари ёки факультет деканлари ўқитувчиларни аттестацияга тақдим этишда аттестацияланадиган томонидан айнан қандай ишланмалар тайёрланганлиги ва уни аттестациядан ўтказишда ҳисобга олиниши лозимлигидан далолат беради. Аттестацияга тақдимот муассаса раҳбари ёки унинг ўқув ишлари бўйича ўринбосарининг имзоси ва муассаса муҳри билан тасдиқланади.

5.6 Ахборот коммуникация технологияларининг замонавий воситалари фойдаланиладиган *масофадан ўқитиш* жараёнида *марказий қисм* (таянч кафедра, курс) ва *дистал қисм* (жойларда ташкиллаштирилган тингловчилар гуруҳи) ажратиб кўрсатилади.

Масофавий таълимда таълим жараёнини мувофиқлаштириш ва бошқариш *тьюторлар* томонидан амалга оширилади. Тьюторлар кафедра/курс асосий штат таркибидан ва/ёки ўқув гуруҳларига бириктириладиган ўқитувчи-консультантлардан тайинланади. Тьюторлик фаолияти ўқитувчилик фаолиятининг бир кўриниши саналиб, ҳам ташкилий-услубий, ҳам ҳуқуқий ва молиявий жиҳатдан ўқитувчилик фаолиятига тенглаштирилади.

Ўқитувчи учун умумий талаблардан ташқари, тьюторга ахборот коммуникация технологияларининг мавжуд техника воситаларини самарали қўллаш ва масофадан ўқитишни услубий таъминлаш учун зарур бўлган барча кўникмаларга эга бўлиш каби қўшимча талаблар қўйилади.

Тьюторнинг асосий вазифаларига тингловчилар билан мунтазам алоқани таъминлаш, уларга зарурий услубий ёрдамни кўрсатиш, индивидуал топшириқларнинг бажарилишини мониторинг қилиш ва тингловчиларнинг билимини баҳолаш киради.

Ҳар бир тьюторга биттадан кўп бўлмаган ўқув гуруҳи бириктирилади.

5.7 *Мураббийлар* соғлиқни сақлашнинг тажрибали мутахассислари бўлиб, соғлиқни сақлаш муассасаси муахассислари лавозимларида асосий фаолиятни амалга оширади ва ўз мутахассислик йўналиши бўйича мураббийлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

Мураббийлар соғлиқни сақлаш муассасаларида тиббий, фармацевтик ёки бошқарув ўринларини эгаллайди ва улар фаолият кўрсатадиган муассаса раҳбарининг қарорига кўра мураббийлик фаолиятини амалга оширади.

Мураббийлик дастури бўйича тайёрлаш учун мутахассисларни бирламчи танлаб олиш соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошқарув органлари томонидан ўтказилиб, клиник мутахассисликлар учун камида 5 йиллик, клиник бўлмаган мутахассисликлар учун камида 3 йиллик иш стажи бўлган тажрибали ходимлардан танлаб олинади. Танлаб олинган мутахассислар соғлиқни сақлаш ташкилотлари ва бошқарув органларига тайёргарлик учун юборилади ва Таянч муассасаларнинг тегишли кафедраларида (курсларида) камида 72 соат ҳажмидаги мураббийлар малакасини ошириш махсус курсларини (цикл) ўтиш натижаларига кўра малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими таянч муассасаларида асосий танловдан ўтади. Бу курслар кредит-соатнинг зарурий ҳажмида ҳисобга олинади. Ходимнинг мураббий мақоми мураббий сертификати билан тасдиқланади.

Мураббийлик фаолияти узлуксиз касбий ривожланиш тизимининг муҳим бўғини ва мутахассисларнинг касбий ўсишининг муҳим босқичи ҳисобланади.

Мураббийлик фаолияти Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган мутахассисларнинг малака тоифаси ва эгаллаган лавозимига лойиқлиги аттестациясида албатта инобатга олинади.

5.8 *Мураббийлик фаолияти* қуйидаги асосий вазифалардан иборат:

- малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими таянч муассасалари профессор-ўқитувчиларига малака ошириш ва қайта тайёрлаш (малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари) бевосита шакллари бўйича тадбирларни ўтказишда ўз клиник базасида (лаборатория, ишлаб чиқариш ва бошқалар) ассистентлик қилиш, шунингдек, сайёр ва масофавий ўқув циклларини ташкил этиш ва ўтказишда техник, ташкилий ва бошқа

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

турдаги ёрдамни кўрсатиш;

- соғлиқни сақлаш ташкилотларида малака оширишнинг билвосита шаклларини (тажриба алмашиш, стажировка) ташкил этиш ва ўтказиш, стажёрларга янги малака кўникмаларини эгаллашда услубий маслаҳат ва ташкилий ёрдам кўрсатиш.

Бир мураббий юкламасига бир вақтнинг ўзида малака ошириш ва қайта тайёрлаш курси тингловчиларидан иборат биттадан кўп бўлган ўқув гуруҳи ёки уч нафардан кўп бўлган стажёрни киритиш мукин эмас.

5.9 *Устоз* бу соғлиқни сақлаш муассасаларининг тажрибали ходими бўлиб, ёш мутахассис ва стажёрларга янги амалий кўникмаларни ўзлаштиришда услубий ва ташкилий ёрдам кўрсатади.

6. МАЛАКА ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИДА ЎҚУВ ФАОЛИЯТИ

6.1 Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида ўқув фаолияти ўқув жараёнини режалаштириш, ўқув курсларини, шунингдек, ўқув жараёни ва тадбирларини ишлаб чиқиш ва ташкил қилишдан иборат.

6.2 *Ўқув жараёнини режалаштириш* малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида олий таълим муассасаларида ўқув йилига мувофиқ белгиланадиган ўқув йили ҳисобидан ўтказилади.

Режалаштириш жараёнида тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича таълим режаси ва тақсимоти вилоятлар, мутахассисликлар ва муассасалар кесимида шакллантирилади.

Тиббиёт ходимларининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини режалаштириш ва ташкил этиш амалдаги мутахассислик ва тиббиёт ходимлари лавозимларининг номенклатураси, тиббиёт ходимилари тўғрисидаги статистик ва шахсий маълумотлар, шунингдек, ҳар йили соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқарма ва ташкилотлари томонидан Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Тошкент Фармацевтика тиббиёт институти, Республика ўрта тиббиёт ходимлари ва фармацевтлар малакасини ошириш маркази, шунингдек, жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий текшириш институтлари ва унинг филиалларига тақдим этиладиган мутахассисликлар кесимида тасдиқланган кейинги йил режаси ҳамда кейинги 5 йил учун истиқболли режалар асосида олиб борилади.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Тошкент Фармацевтика институти, Республика ўрта тиббиёт ходимлари ва фармацевтлар малакасини ошириш марказлари соғлиқни сақлаш бошқарув органлари ва муассасалари тақдим этган маълумотлар асосида тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг истиқболли ва календар режаларини ишлаб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш курсларини режалаштириш ва ташкил этиш тизимини шакллантиради;

олинган таълим йўналиши, мавжуд асосий мутахассислик, ўрганиши лозим бўлган билим ва кўникмаларнинг ҳажми, эгаллаб турган лавозимларига кўра таълим ҳажми, муддати, малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларига қабул қилиш тартибини, шунингдек, мақсадли бюджет асосидаги малака ошириш, қайта тайёрлаш курсларига йўналишларни (йўлланма) тақсимлаш ва ўқитиш учун мутахассисларни танлаб олиш тартиби, тингловчиларни малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларидан рўйхатдан чиқариш тартибини белгилайди;

малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларига тингловчиларни қайд қилиш ва қабул қилиш учун ҳужжатлар рўйхати ва шаклини, шунингдек, тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг йиллик календар режалари, режалар ва таълимни режалаштириш учун тиббиёт ходимларининг статистик ва шахсий маълумотларининг шаклини тасдиқлайди;

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

тиббиёт ходимларининг малака ошириш ва уларни қайта тайёрлаш йиллик календар режаларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди.

6.3 *Ўқув курсларини ишлаб чиқиш* қуйидаги ўқув машғулотлари турли шакллари бўйича таълим ҳажми нисбатидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади:

беморларга даво-диагностика ишларини бевосита амалга ошириш билан боғлиқ бўлган клиник йўналишдаги мутахассисликлар учун – ўқув курсининг умумий ҳажмидан *назарий машғулотлар 15-25% : амалий машғулотлар 65-80% : назорат 5-10%*;

клиник бўлмаган йўналишдаги мутахассисликлар учун – ўқув курсининг умумий ҳажмидан *назарий машғулотлар 20-30% : амалий машғулотлар 60-75% : назорат 5-10%;*

6.4 Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг ўқув жараёни ва тадбирлари ўқув циклли, ўқув машғулотлари, ўқув кунлари, ўқув ҳафтасини ўз ичига олади.

Ўқув цикли маълум – бу ўқув курси мазмунини ўзлаштириш мақсадида тингловчиларнинг алоҳида контингенти учун ўқув бўлинмаси томонидан мунтазам равишда ташкил этиладиган ва ўтказиладиган ўқув жараёнидир.

Ўқув машғулоти – бу ўқув циклининг бўлинмайдиган минимал бирлигидир. Ўқув жараёни ташкил этиш хусусиятига кўра ўқув машғулотлари ўқув аудиториясида олиб бориладиган аудитория ва аудиториядан ташқарида ўқув гуруҳлари таркибида олиб бориладиган аудиториядан ташқари қисмларга бўлинади.

Ўқув куни – бу ўқув циклининг қайта тайёрлаш ёки малака оширишнинг бевосита шакли бўйича қисми ёки бир иш куни давомида ўтказиладиган малака оширишнинг алоҳида билвосита шакллари (стажировка, тажриба алмашиш) бўйича ўқув тадбирларининг қисми.

Ўқув ҳафтаси – бу бир ҳафта давомида олиб бориладиган қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг бевосита шакллари бўйича ўқув циклининг қисмидир.

6.5 *Ўқув машғулотлари* ўтказилиш жойи ва турига кўра аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларга ажратилади.

Аудитория машғулотлари махсус ўқув, компьютер, офис ва тақдимот техникаси билан жиҳозланган ўқув аудиторияси, шунингдек, тиббий симуляция бўйича махсус ускуна ва техника (тренажер, муляж, симулятор) билан жиҳозланган махсус ўқув ва илмий-ўқув лабораторияларида ўтказилади.

Аудиториядан ташқари машғулотлар ўқув аудиторияси ва лабораториядан ташқарида, шу жумладан, соғлиқни сақлаш муассасаларининг даво-диагностика, лаборатория ва ишлаб чиқариш бўлинмаларида ўтказилади.

Аудитория машғулотларини ўтказиш учун ўқув гуруҳлари умумий (25-30 нафаргача), кичик (3-10 нафаргача) ва бирлаштирилган (80 нафаргача) гуруҳларга ажратилади. Аудиториядан ташқари машғулотлар, одатда кичик гуруҳларда (3-10 нафаргача) ўтказилади.

6.6 *Ўқув машғулотлари турига кўра* асосий ва қўшимчага бўлинади.

Асосий ўқув машғулотларига ўқув жадвалига таълимнинг асосий ҳажми сифатида киритилган ва ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда кундузги вақтда ўтказиладиган машғулотлар киради.

Ўқув машғулотларининг асосий турларига асосан назарий, амалий ва баҳолаш-назорат йўналишидаги аудитория машғулотлари, шунингдек, амалий ва баҳолаш-назорат йўналишидаги аудиториядан ташқари машғулотлар киради.

6.7 *Асосан назарий йўналишдаги* (назария) ўқув машғулотлари *маърузаларни* ўз ичига олади. Маъруза аудитория ўқув машғулотининг бир тури бўлиб, бунда ўқитувчи-маърузачи бир неча ўн кишидан иборат бўлган аудитория олдида тақдимот материали билан чиқади ва тегишли ўқув ахборотини тингловчиларга асосан бир томонлама тартибида, қайта алоқасиз етказади. Саволларга жавоб бериш маъруза вақтининг 10 % дан ошмайди.

Алоҳида мавзулар бўйича маърузалар умумий ва мавзули малака ошириш, ихтисослаштириш курслари тингловчилари, клиник ординаторлардан иборат бўлган

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

бирлашган гуруҳларда (аудиторияларда) ўтказилиши мумкин. Бирлашган гуруҳлар тўплами кафедра томонидан ўқитилаёган контингент алоҳида ўқув гуруҳлари ўқув жадвалини инобатга олган ҳолда ўтказилади.

Маърузага ўқув дастури ўқув юкламаси умумий ҳажмининг 30 % гача ажратилади. Бу машғулотлар, одатда бир ўқитувчи (маърузачи) томонидан ўтилади, зарурат бўлганда унга лаборантлар ассистентлик қилади. Бирлаштирилган маърузаларда маърузачига ассистент, катта ўқитувчи ёки доцентлар ассистентлик қилиши мумкин. Лекин маърузада ассистентлик қилувчилар сони бир нафардан ошмаслиги керак.

6.8 Асосан *амалий йўналишдаги (амалиёт)* ўқув машғулотларига семинарлар, ривожланган маърузалар, маҳорат дарслари, амалий машғулотлар, лаборатория ишлари, тингловчиларнинг мустақил ишлари, консультациялар, курс ишлари (лойиҳалар), малакавий амалиёт киради. Асосан амалий йўналишдаги ўқув машғулотларига ўқув юкламаси умумий ҳажмининг 70-80% гача ажратилади.

Амалий машғулотлар бир вақтнинг ўзида бир ёки бир нечта ўқитувчилар томонидан ўтилиши мумкин. Бир вақтда бир нечта ўқитувчи машғулот олиб борганида улардан бири етакчи, қолганлари эса етакчига ассистентлик қилади.

Врачларнинг асосий касбий қуроли *врачлик (клиник) фикрлаш* бўлиб, улар учун амалий машғулотлар клиник фикрлашни ривожлантиришга қаратилган бўлиши керак.

Ишида мануал кўникмаларни (инвазив врачлик мутахассисликлари, ҳамширалик муолажалари) қўллайдиган тиббиёт ходимлари учун амалий машғулотлар тегишли мануал кўникмаларни ривожлантиришга қаратилиши керак.

Амалий машғулотлар қуйидаги турларга бўлинади:

6.8.1 *Семинар* – бу амалий йўналишдаги аудитория ўқув машғулоти шакли бўлиб, ўқитувчи ва мураббийлар режалаштирилган маълумотни тингловчиларга интерфаол тартибда, махсус услублар ва интерфаол таълим методларини (кичик гуруҳларда ишлаш, ақлий ҳужум ва бошқалар) қўллаган ҳолда етказадилар, бунда ўзаро интерфаол таъсир машғулот вақтининг камида 30 % ни ташкил этади.

Семинар, одатда умумий ўқув гуруҳида ўтказилади.

6.8.2 *Ривожланган маърузаларда* маърузачининг тингловчилар билан савол-жавоб, кичик мунозара шаклида, маъруза материалларини тақдим этиш вақтида интерфаол ўзаро таъсирнинг бошқа шакллари билан қайта алоқа амалга оширилади. Интерфаол шакллар умумий ўқув вақтининг камида 20-30 % ни ташкил этади.

Ривожланган маърузалар ҳам бирлаштирилган ўқув гуруҳларини комплектациялаш имконияти бўлган маърузалар каби ва ўқитувчилар таркибига маърузачидан ташқари ассистент, катта ўқитувчилар ёки доцентлардан бир ассистентни қўшиш билан ўтказилади.

6.8.3 *Маҳорат дарслари* – бу аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув машғулотлари бўлиб, бунда ўқитувчи шахсий амалий тажрибасини эркин мунозара ёки суҳбат кўринишида тингловчилар билан бўлишади, амалий кўникма ва вазиятларни намойиш этади. Зарур ҳолларда ўқитувчига лаборант ёрдам бериши мумкин.

6.8.4 *Амалий машғулотлар* – бу аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув машғулоти бўлиб, бунда тингловчиларга ўқитувчи, тьютор ва мураббийлар назорати остида касбий фаолиятга максимал яқинлаштирилган (пациентларни кўриш; пациентлар билан олиб бориладиган даво-диагностика ишлари; симулятор, тренажер ва муляжлар билан ишлаш) ўқув ёки ишлаб чиқариш шароитда амалий кўникмаларни мустаҳкамлаш имкони берилади. Амалий машғулот шаклларидан бири ўқув тести бўлиб, бунда тингловчи таълим мақсадида бир неча бор тестдан ўтади.

Амалий машғулотларни ўтказишда кичик гуруҳлар ташкил этилади, бир гуруҳни битта ўқитувчи бошқаради, унга лаборант ассистентлик қилиши мумкин.

6.8.5 *Лаборатория ишлари* – бу аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув машғулоти бўлиб, бунда ўқув, илмий-ўқув, ишлаб чиқариш шароитида тингловчиларга махсус топшириқлар бўйича ўқитувчи, тьютор ва мураббийлар назорати остида амалий

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

кўникмаларни ўрганиш ва мустаҳкамлаш имкони берилади.

Лаборатория ишлари шароитга кўра умумий ёки кичик ўқув гуруҳларида олиб борилиши мумкин. Умумий ўқув гуруҳида олиб бориладиган лаборатория ишлари одатда икки нафар ўқитувчи ва зарур бўлганида лаборант ассистентлигида ўтказилади.

6.8.6 *Консультация (ўқув консультацияси)* – бу аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув машғулоти бўлиб, бунда тингловчилар ўқув материалини чуқур ўзлаштириш мақсадида ўқитувчи, тьютор ва мураббийга саволлар бериб, эркин мунозара ўтказади. Консультацияни бир ўқитувчи индивидуал тартибда кичик ёки умумий ўқув гуруҳида ўтказади.

6.8.7 *Мустақил иш* – бу аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув машғулоти бўлиб, бунда тингловчилар ўқув материалини чуқур ўзлаштириши учун уларга мустақил ишлаш имкони берилади. Аудитория шароитида мустақил иш ўқитувчи, тьютор ва мураббий назорати остида олиб борилади. Аудиториядан ташқари шароитда ўқитувчи ёрдамисиз ўтказилади, лекин таълим жараёнини муҳокама қилиш мақсадида ўқутувчи ва ўқувчилар ўртасида даврий мулоқот ўрнатилади.

6.8.8 *Курс иши (лойиҳа)* – бу аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув машғулоти бўлиб, бунда тингловчилар мустақил равишда маълум топшириқни ўқитувчи, тьютор ва мураббий бошчилигида монотематик маъруза ёки ўқув лойиҳаси кўринишида бажаради. Кейинчалик ўқитувчи ёки имтиҳон (синов) комиссияси томонидан баҳоланади. Курс иши умумий малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида бажарилади.

6.9 *Баҳоловчи-назорат йўналишидаги (назорат)* ўқув машғулотларига асосий мақсади тингловчиларнинг ўқув материалини ўзлаштириш сифатини назорат қилиш ва баҳолашдан иборат бўлган малакавий амалиёт, имтиҳон (синов, суҳбат), тест (бошланғич, оралиқ, якуний) каби машғулотлар киради. Унга ўқув курси умумий ўқув юкламасининг 10% гача ажратилади. Бу машғулотлар бир вақтнинг ўзида бир нечта ўқитувчи томонидан ўтказилади.

6.9.1 *Малакавий амалиёт* – бу аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув машғулоти бўлиб, бунда тингловчилар маълум топшириқни ўқитувчи, тьютор ва мураббий бошчилигида мустақил бажаради, ўрганган амалий кўникмаларини намойиш этиб, ўқитувчи ва (ёки) имтиҳон (якуний) комиссияси томонидан баҳоланади.

6.9.2 *Имтиҳон, синов, суҳбат* – бу аудитория ўқув машғулоти бўлиб, тингловчиларнинг олган билим ва ўзлаштирилган амалий кўникмаларининг имтиҳон (синов) комиссияси томонидан умумий баҳоланишидир.

6.9.3 *Тест (бошланғич, оралиқ, якуний)* – бу аудитория ўқув машғулоти бўлиб, тингловчиларнинг бошланғич (бошланғич тест) ҳамда таълим даврида ўзлаштирган (оралиқ, якуний тест) билим ва кўникмаларини баҳолаш мақсадида ўтказилади. Тест бир ўқитувчи томонидан ўтказилади, унга лаборант ёрдамлашиши мумкин.

6.10 *Қўшимча* ўқув машғулотларига асосий малака ошириш ва қайта тайёрлаш курси билан параллел олиб бориладиган, қўшимча қисқа муддатли (72 соатгача) мавзули асосий ёки ёндош мутахассислик бўйича иш кунининг иккинчи ярмида ўтказиладиган курс бўлиб, асосий академик таълим ҳажмига киритилмаган, лекин зарурий ёки факультатив (ихтиёрий) қўшимча таълим ҳажмига киритилган (асосий ўқув соатларидан ташқари) ўқув дастури ва жадвалидаги машғулотдир. Шунингдек:

- ўқув мавзуси ва мақсадидан келиб чиқиб, алоҳида тартибда ўтиладиган машғулот (кечки ва тунги навбатчилик, тез ёрдам чақируви ёки санитар авиация в.б.);

- аудиториядан ташқари ўқитувчи топшириғи бўйича ва унинг назорати остида тингловчиларнинг мустақил иши, уй вазифаси, шунингдек, кутубхона, ахборот-ресурс маркази, Интернетда ишлаши;

- тингловчиларнинг мажлисларда, жарроҳлик операцияларида, шифокор ва ҳамшира муолажаларида, навбатчилик, патологоанатомик текширувларда, клиник анжуманларда, эпидемиологик текширувларда, эксперт ишларида, лаборатор ва бошқа фаолиятларда қатнашиши;

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

- тингловчиларнинг дарсдан ташқари вақтларда етакчи тиббий марказларга бориши;

- тингловчиларнинг илмий ва илмий-амалий анжуманларда иштироки.

6.11 Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг асосий ўқув курси доирасидаги максимал ўқув юкламаси ҳажми ҳафтасига 36 академик соатни ташкил қилади. Мавзули малака ошириш циклидаги тингловчиларга қўшимча ўқув юкламаси берилади, бунда умумий ўқув юкламасининг ҳажми ҳафтасига 54 академик соатдан ошмаслиги керак.

Тингловчиларнинг мажлисларда, клиник муҳокамаларда, навбатчиликда ўтказган вақтлари умумий ўқув юкламаси ҳажмига қўшилмайди.

6.12 Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсининг асосий ўқув машғулотлари бир ўқув куни давомида, одатда бир сменада, кунига 4 соат (6 академик соат)дан олиб борилади. Малака ошириш асосий цикли билан қўшимча қисқа курсли мавзули малака оширишда (максимал ўқув юкламаси ҳафтасига 54 академик соат) асосий ўқув машғулотларини кунига 6,5-7 соатгача (10 академик соат) 2 сменада ёки 7,5-8 соатдан иборат бўлади. Барча турдаги асосий ва қўшимча машғулотларнинг жами ўқув ҳажми янги маълумотларни ўзлаштириш учун физиологик чеклов ва меҳнат тўғрисидаги қонунга мувофиқ бир иш кунида ҳар иккала сменада ҳам 8 соатдан ошмаслиги керак.

Қисқа муддатли мавзули малака ошириш курслари ўқув машғулотларининг асосий шакллари биринчи ёки иккинчи сменада ўтказилиши мумкин.

Ўқув машғулотларининг қўшимча турлари эса таълим мақсади ва машғулотнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда тингловчилар билан келишилган ҳолда куннинг иккинчи ярмида асосий ўқув машғулотларидан ташқари исталган вақтида ўтказилиши мумкин:

- кунига 2-4 академик соатдан (ўртача ҳафта давомида кунига 3 академик соатдан) иккинчи сменада соат 14-00дан 17-00гача (одатда қўшимча кундузги қисқа муддатли мавзули малака ошириш цикли, он-лайн масофавий таълим учун) ёки учинчи сменада соат 18-00дан 21-00гача (асосан он-лайн, офф-лайн масофавий таълим курслари учун);

- иккинчи сменада соат 14-00дан 18-30 гача 6 академик соатдан (асосан сайёр малака ошириш цикларида).

Бир кунида 3 та машғулотдан кўп бўлганида (6 академик соат) тингловчиларнинг қайта жойлашиши ва тушлик учун 45-60 дақиқалик катта танаффус берилади.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида ўқув машғулотларнинг давомийлиги ҳафтасига 6 кунни ташкил этади. Қисқа муддатли мавзули цикларда ва 72-144 соатлик цикларнинг охирги ҳафтасида 4-5 кунлик ўқув ҳафтасини қўллаш мумкин. Бунда ўртача кунлик юклама мос равишда оширилади ва умумий режалаштирилган ҳафталик ўқув юкламаси ҳажми сақланади.

36 соатдан кўп бўлмаган қисқа муддатли сайёр малака ошириш курси режалаштирилганида ўқитишни 2-5 кун давомида икки сменали ўқув жадвали бўйича амалга ошириш мумкин. Бунда бир ўқув куни давомида максимал юклама 10 академик соатдан иборат бўлади (тушгача 3 та машғулот ва тушдан сўнг 2 та машғулот).

6.13 Мутахассислик турига кўра, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими ўқув машғулотлари *клиник инвазив* (хирургик, стоматологик ва бошқалар), *клиник ноинвазив* (терапевтик, педиатрик ва бошқалар) ва *ноклиник* (ташкилий-назарий, тиббий-профилактик ва бошқалар) йўналишларда ташкил этилади ва олиб борилади.

Малака оширишнинг бевосита шакллари бўйича ўқув машғулотлари мутахассислик йўналиши ва машғулот шаклига кўра шакллантирилган бирлашган, умумий ва кичик ўқув гуруҳларида қуйидаги тартибда олиб борилади:

маъруза, маслаҳат – барча йўналишлар учун 80 нафаргача тингловчи (бирлашган ўқув гуруҳлари);

семинар, маҳорат-дарслари, аудиториядан ташқари мустақил иш – бир гуруҳда клиник йўналиш учун 25 нафаргача, клиник бўлмаган йўналиш учун 36 нафаргача

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

тингловчи (умумий ўқув гуруҳлари);

амалий машғулот, мустақил аудитория иши, малакавий амалиёт, имтиҳон (зачёт, суҳбат) – бир гуруҳда клиник йўналиш учун 3-10 нафар, клиник бўлмаган йўналиш учун 6-12 нафар тингловчи (кичик гуруҳлар).

6.14 Малака оширишнинг билвосита шаклларини ўтказишда ўқув юкламаси ҳажми академик соатларда (кредит-соат) ҳисобланади.

Стажировка ўтишда стажировканинг 2 иш куни 6 академик соат ҳажмидаги бир ўқув кунига тенглаштирилади.

Турли тадбирларда иштирок этиш (клиник муҳокама, патологоанатомик кўрув ва бошқалар) иккинчи ёки тунги сменада бўлса, қўшимча машғулот ҳисобланади ва стажёр ўқув кунининг асосий ҳажмига қўшилмайди.

Семинар, съезд, анжуман 1 кун иштирок этганлигини тасдиқловчи сертификат бўлган ҳолларда 8 соат (лекин 16 соатдан кўп эмас), маъруза билан қатнашганда эса 16 соат қўшилади. Тиббиёт ходимни аттестациядан ўтказиш ва лицензиялашда малака ошириш ҳажми ҳисобланганида бу турдаги малака оширишнинг жами ҳажми 5 йилда 36 соатдан ошмаслиги керак.

Малака оширишнинг билвосита шаклида ўқув машғулотлари гуруҳда ёки индивидуал шаклда олиб борилади, бунда бир гуруҳдаги стажёрлар сони 3 нафардан ошмайди, семинар, съезд, анжуман қатнашчилари сони эса залдаги ўриндиқлар сонидан келиб чиқади.

6.15 Умумий малака ошириш курслари давомийлиги (ҳажми) шифокор кадрлар учун 144 академик соатгача, фармацевтик, ўрта тиббий ва бошқа кадрлар учун 72 академик соатни ташкил этади.

Мавзули малака ошириш курслари давомийлиги (ҳажми) 16дан 144 академик соатгача бўлади.

16-72 соатгача бўлган мавзули малака ошириш курслари *қисқа муддатли* ҳисобланади.

Янги технологиялар бўйича мавзули малака ошириш ўқув дастурининг ҳажми ва мураккаблигига кўра 288 соатгача бўлган ҳажмда амалга оширилади.

Бирламчи ва қўшимча ихтисослаштириш курсларининг давомийлиги (ҳажми) 1 ойдан 9 ойгача бўлади (144-1296 академик соат). Ихтисосликни тиклаш курси ҳажми стаждаги мутахассислик бўйича узилиш муддатига боғлиқ ҳолда тегишли бирламчи ихтисослаштириш курси ҳажмининг 50-100%ни ташкил этади: 3-5 йил узилиш бўлганида – 50%, 5-7 йил – 75%, 7 йил ва ундан ортиқ – 100 %.

6.16 Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида машғулотлар факультет деканлари ёки бошқа масъул шахслар томонидан тасдиқланаган ўқув дастурига мос жадвал асосида олиб борилади. Бу жадвалда таълим олувчи контингент, ўқув бўлинмаси, таълим ҳажми ва муддати, мавзулар, машғулот тури, календар даври ва ўтказиш вақтлари кўрсатилади.

6.17 Малака ошириш курсларининг (цикларининг) *ташкилий турлари*:

Кундузги курс малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсининг асосий тури бўлиб, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими ўқув базаларида ёки ҳамкор-ташкилотларда ўтказилади.

Қисқа муддатли курслар (18-72 соат) мавзули малака ошириш курси тури бўлиб, мутахассисликнинг маълум бир бўлимини қамраб олади, тегишли мутахассислик йўналиши бўйича тингловчиларни долзарб муаммолар ҳамда фан ва амалиёт ютуқлари билан таништириш, шунингдек, бошқарув ходимларига соғлиқни сақлаш бошқариш ва ташкил қилишда янги тамойил ва йўналишларни ўргатиш мақсадида ўтказилади. Қисқа муддатли курсларда курсантларни рўйхатга олишнинг соддалаштирилган ва қисқартирилган тартиби, шунингдек, зачёт шаклидаги якуний аттестацияга рухсат берилади.

Тиббиёт ходимлари малакасини оширишнинг *сайёр цикллари* малака оширишнинг

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

бевосита шаклининг ташкилий турларидан бири бўлиб, мутахассисларни жойларда асосий иш жойидан узилган ёки узилмаган ҳолда ўқишини таъминлайди. Сайёр цикл мавзули малака ошириш дастурлари бўйича ўтказилади. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш ташкилотларининг соғлиқни сақлаш ҳудудий органлари, ташкилотлари, вазирликлар, иш юритувчи муассасалар ўртасидаги шартномага асосан тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муассасалари томонидан ташкил этилади.

Сайёр цикларни ўтказишдан мақсад: тиббиёт ходимларининг касб фаолиятида мавзули малакасини ошириш; уларнинг билим ва малакаларини чукурлаштириш; янги даво-диагностика усулларини ўрганиш; тиббий дунёқарашни кенгайтириш; жойларда маслаҳат ва даво-диагностика ёрдамини кўрсатиш.

Сиртқи ўқитиш малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимидаги таълимнинг ташкилий-услубий тури бўлиб, асосий ишдан ажралмаган ҳолда таълим дастурининг таълим сифатига зарар етмай берилган тарқатма ўқув материалларини тингловчилар мустақил ўзлаштириши мумкин бўлган бўлимлари (ўқув модуллари) бўйича таълим олинади. *Кундузги-сиртқи ўқитиш* – таълимнинг ташкилий тури бўлиб, кундузги ва сиртки таълим шаклларни аралаштирилади.

Бўлиб-бўлиб (даврий) ўқитиш – малака ошириш ва қайта тайёрлаш циклини бўлиб-бўлиб ўтказиш тури бўлиб, бунда тингловчи ўқув дастурини самарали ўзлаштириш мақсадида ўқув кунлари орасида (таълим блоклари/модуллари) бир неча кун ёки ҳафта танаффус билан ўқийди. Бундай таълимнинг календар режаси ўқув жадвалига кўра тузилади, бунда орадаги танаффуслар ўқув дастурининг умумий ҳажмига киритилмайди.

Масофавий ўқитиш – малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг ташкилий-технологик тури бўлиб, таълим олувчи ва таълим берувчи бир-биридан узоқда бўлганида ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида ўтказилади. Масофавий ўқув модули ишдан ажралган ёки ажралмаган ҳолда, ўқув дастуридан келиб чиқиб, томонларнинг келишувига кўра ўтказилади.

Он-лайн тартибда масофавий ўқитиш – маъруза, семинар, маҳорат-дарслари, маслаҳат, малакавий амалиёт, ўқув ва синов тести шаклида, ишдан ажралган ҳолда ёки мутахассисларнинг асосий иш вақтларидан бўш даврда олиб борилади.

Офф-лайн тартибида масофавий ўқитиш (электрон почта орқали ёзишиш, ўқув сайти материаллари билан ишлаш ва бошқалар) амалий, мустақил, курс ишлари, маслаҳатлар, ўқув ва синов тести шаклида мутахассисларнинг асосий иш вақтларидан бўш даврда олиб борилади.

6.18 *Масофавий ва сиртқи таълим ҳажми* тингловчиларнинг асосий ишидан ажралган ҳолда кундузги ўқув курсининг ўқув дастурига мувофиқ ўқув соатларида белгиланади.

Масофавий ва сиртқи таълимнинг календар давомийлиги дарс жадвали бўйича қуйидагича белгиланади:

масофавий он-лайн ўқитиш ўтказилганида (видеосеминар, видеоконференция, вебинар ва бошқалар) ўқув дастури бўйича аудитория соатларини он-лайн ўқув соатларига нисбати 1:1 бўлади;

сиртқи таълим ва масофавий офф-лайн ўқитишда (тингловчиларга электрон йўл билан берилган тарқатма ўқув материаллари, махсус ўргатувчи ўқув дастурилари ва ўқув модуллари, ўргатувчи веб-сайт ёрдамида) ўқув жадвали бўйича сиртқи ва масофавий таълим ўқув кунлари таълим дастури ва календар кунлари бўйича нисбати 1:2,5 ни ташкил этади. Масалан, кундузги таълимда 36 соатлик ўқув модули 1 ҳафта ёки 6 иш кунида ўтилади, сиртқи ёки масофавий офф-лайн ўқитишда эса бу 2,5 ҳафта ёки 15 иш кунига тўғри келади.

Сиртқи ёки масофавий таълим асосида тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкилий-услубий таъминлаш ўқитишнинг кундузги таълимнинг ҳамма элементларини ўз ичига қамраб олади (ўқув дастури, ўқув

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

жадвали, ўқув материаллари, билим ва кўникмалар назорати, сертификат бериш), шунингдек, сиртқи ва масофадан ўқитиш технологиялари ва имкониятлари билан таъминланадиган қўшимча ташкилий-услубий элементларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Сиртқи ва масофавий ўқитиш мумкин бўлган ўқув модуллари малака ошириш ва қайта тайёрлаш курси ўқув дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда белгиланади. Сиртқи ва масофавий ўқув модуллари (курслари) қатъий тартибда оралиқ (якуний) назорат (имтиҳон, тест, суҳбат, курс иши ҳимояси ва бошқалар) билан тугалланади.

Оралиқ (якуний) назорат сиртқи ўқув модулларида таълим муассасаларида кундузги шаклда ёки тегишли ўқув курсининг сайёр ўқув сессиясида ўтказилади. Масофавий ўқув модуллари бўйича оралиқ (якуний) назорат сиртқи ўқув модулларида таълим муассасасида кундузги шаклда ёки тегишли ўқув курсининг сайёр ўқув сессиясида ёки масофавий он-лайн тартибда ўтказилади.

6.19 *Чет тили ва ахборот-коммунокация технологияларини ўрганиш бўйича курс* таълим дастурлари асосида тузилган бўлиб, тиббиёт ходимлари малакасини оширишнинг билвосита шаклларига киради. Бу курслар мажбурий бўлмай, ахборот технологиялари ва маълумотлар базасига кириш имконини бериш билан уларнинг касбий ўсиши ва ривожланишига ёрдам беради.

Курс якунида берилган сертификатларда кўрсатилган ўқитиш соатлари миқдори малака ошириш бўйича зарур бўлган соатлар йиғиндисига киради. Бундай малака ошириш шакли ҳажмининг йиғиндиси тиббиёт ходимини аттестациядан ўтказиш ва лицензия беришда малака ошириш ҳажми ҳисобланганида ушбу курслар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муассасаларида ёки лицензияланган таълим муассасаларида ўтилганида 5 йилда 72 соатдан ошмаслиги керак.

7. МАЛАКА ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ МЕЪЁРЛАРИ

7.1 Тингловчиларга ўқув юкламаси.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида ўқув юкламасининг максимал ҳажми малака ошириш ва ихтисослаштиришнинг асосий ўқув курслари доирасида ҳафтасига 36 академик соатни ташкил этади. Мавзули малака оширишнинг қўшимча босқичларида тингловчилар учун қўшимча ўқув юкламасига рухсат этилади. Бунда тингловчи ўқув юкламасининг умумий ҳажми ҳафтасига 54 академик соатдан ошмаслиги лозим.

7.2 Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими ўқув бўлимлари *ва ўқитувчилар ўқув юкламасининг меъёрлари* бир ўқув йили давомида *йиллик ўқув юкламасининг жами ҳисоби* доирасида *курсант-ой (курсант-кун)* ҳисоби асосида аниқланади.

Айрим ўқув бўлимлари ва ўқитувчилар учун амалдаги календар ўқув режалари бўйича ишчи ва ўқув соатини тақсимлаш малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими муассасалари ва бўлимлари томонидан мустақил равишда барча штат лавозимлари бўйича ўқув йили давомида жами иш вақти ва жами ўқув юкламасининг етарли ҳажмининг бажарилиши зарурлигини эътиборга олган ҳолда амалга оширилади.

7.3 Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида ўқув вақти меъёрларини ҳисоблашда *ўқитувчилар учун ўқув юкламаси курсант-ойда* ҳисобланади. 1 курсант-ой учун бир тингловчини бир ой давомида ўқитиш учун зарур бўлган 144 академик соат ҳажмидаги ўқув юкламаси олинади. Бундан, ўқитиш муддатларига боғлиқ равишда бир тингловчи учун кафедра (курс) ўқув юкламаси ҳажми қуйидагича бўлади:

18 соат (3 кун)	– 18/144 = 0,125 курсант-ой
36 соат (1 ҳафта)	– 36/144 = 0,25 курсант-ой
72 соат (2 ҳафта)	– 72/144 = 0,5 курсант-ой
108 соат (3 ҳафта)	– 108/144 = 0,75 курсант-ой
144 соат (1 ой)	– 144/144 = 1,00 курсант-ой
216 соат (1,5 ой)	– 216/144 = 1,5 курсант-ой

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

288 соат (2,0 ой) – 288/144 = 2,0 курсант-ой
432 соат (3,0 ой) – 432/144 = 3,0 курсант-ой
504 соат (3,5 ой) – 504/144 = 3,5 курсант-ой
720 соат (5,0 ой) – 720/144 = 5,0 курсант-ой

7.4 *Бюджет асосида молиялаштириладиган базавий нормативлар* ўқув юкламаси қуйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади:

- *ўқув юкламасининг базавий норматив* – 1 ўқитувчига 1 календар йили (12 ой) давомида курсант-ой ўртача ойлик кўрсаткичи;
- *ўқув юкламасининг ишчи норматив* – 1 ўқитувчига 1 ўқув йили (10 ой) давомида курсант-ой ўртача ойлик кўрсаткичи;
- *йиллик ўқув юкламаси* – 1 ўқитувчига ўқув йили давомида курсант-ой ўртача ойлик кўрсаткичи;

7.5 Малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасаларида тиббиёт ходимларининг базавий нормативи ишлайдиган мутахассисларни ўқитиш хусусияти ва ўқув жараёнини режалаштириш ва ташкил этишнинг махсус тизими зарурлигини ҳамда малака ошириш ўқув дастурларининг ҳар йили 20-30 %гача янгиланиб боришини инобатга олган ҳолда тиббиёт олий таълим муассасалари базавий норматив юкламасига нисбатан 25 %га кам ўрнатилади.

Масалан, тиббиёт олий таълим муассасаларида меъёр бир ўқитувчига 6,8 талабани ташкил этса, базавий норматив *календар йили давомида бир ўқитувчига бир ойда 5,1 курсант-ойни* ташкил этади.

7.6 *Ишчи меъёр* қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

*ИН = БН/ 10 * 12,* бунда, ИН – ишчи норматив, БН – базавий норматив.

*Масалан, ИН = 5,1 / 10 * 12 = 6,12 ≈ 6,1 курсант-ой*

7.7 Бир ўқитувчи учун йиллик ўқув юкламаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

*ЙЎЮ = БН * 12,* бунда, ЙЎЮ – йиллик ўқув юкламаси, БН – базавий норматив.

*Масалан, ЙЎЮ – 5,1 * 12 – 612 курсант-ой*

7.8 Муассасаларнинг курсант-ойда ўқитишнинг умумий ҳажми ва ўқув юкламасининг базавий норматив бўйича йиллик режадан келиб чиққан ҳолда муассаса/бўлимлардаги профессор-ўқитувчилар таркиби лавозимлари миқдори қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

ПЎТ лавозимлари = курсант-ойнинг йиллик режаси / (БН х 12)

Бунда, ПЎТ – профессор-ўқитувчилар таркиби.

Масалан, муассаса учун йиллик режада 6120 курсант-ой бўлганида бир ўқитувчи учун базавий норматив 5,4 курсант-ой бўлса, профессор-ўқитувчилар таркиби лавозимлари сони 6120 / (5,1 х 12 ой) = 100,0 ўқитувчилар ставкасини ташкил этади.

7.9 *Айрим ўқув бўлимларининг ўқув юкламаси меъёри* ўқув бўлимларининг йўналишига мувофиқ таянч муассасалар томонидан муассасанинг тасдиқланган йиллик режаси ва базавий нормативлар асосида мустақил шакллантирилади ва тасдиқланади. Бу нормативларни ҳисоблашда врачлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида ўқув бўлимлари қуйидаги ихтисослик тармоқлари бўйича ажратилади:

а) *инвазив-клиник*: жарроҳлик, рентген-радиологик, клиник-диагностик ва шунга ўхшаш ихтисосликлар;

б) *ноинвазив-клиник*: терапевтик, педиатрия, клиник-лаборатория ва шунга ўхшаш ихтисосликлар;

в) *ноклиник ёки назарий*: тиббий-профилактик, гуманитар, менеджерлик, ташкилий, иқтисодий, техник ва бошқа шунга ўхшаш ихтисосликлар.

Фармацевтлар, ўрта тиббиёт ва фармацевтик ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида ўқув юкламасининг ягона нормативлар белгиланади.

Бюджетдан ташқари штат лавозимлари бўйича ўқув юкламаси нормативлари бюджет лавозимлари ўқув юкламаси нормативларига мос равишда белгиланади.

STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

Хўжалик ҳисобидаги штат лавозимлари учун *пуллик таълим хизматлари* бўйича ўқув юкламаси нормативлари ўқув жадвали ва калькуляциясидан келиб чиқиб белгиланади, аммо бюджетдан молиялаштириладиган ўқув юкламаси нормативларидан кам бўлиши мумкин эмас.

7.10 Юқори ташкилотлар томонидан малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими муассасалари фаолиятини режалаштиришда улар учун қуйидаги *бюджет фаолиятининг режавий кўрсаткичлари* ўрнатилади:

- *бюджет бўйича молиялаштириш* – календар йил учун *курсант-ой* миқдори;
- *ўқув фаолияти бўйича* – ўқув йили учун *курсант-ой* миқдори ва *курсантлар* (тингловчилар) сони.

Курсант-ойлардаги йиллик режаси мақсадли бюджетдан молиялаштириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими муассасалари ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга бўлган ҳақиқий эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади. Бюджетдан молиялаштириш йиллик режалардан келиб чиққан ҳолда ўқув йили учун ўқув фаолияти бўйича режа кўрсаткичлари шакллантирилади.

Бюджетдан ташқари фаолият бўйича режа кўрсаткичлари малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг мос турлари бўйича амалдаги соғлиқни сақлаш эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

7.11 Ўқитувчилар ва ўқув бўлимлари ўқув фаолиятини ўқув юкламаси нормативлари асосида режалаштириш ва назорат қилишда *ўқитувчиларининг иш вақти ва ўқитувчилик фаолияти вақт меъёрларини* ҳам эътиборга олиш керак.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими ўқитувчиларининг иш вақти амалдаги қонунчилик талабларига кўра *жамлаб ҳисобига олиш тартибида* умумий ҳажми 1540 иш соати доирасида белгиланади.

Ўқитувчилик фаолиятини ташкил қилиш унинг қуйидаги асосий кўринишларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади:

I. *Ўқув фаолияти*
II. *Илмий-услубий фаолият*
III. *Даволаш (ишлаб чиқариш) (фақат врачлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муассасалари учун)*
IV. *Илмий-тадқиқот (фақат врач ва фармацевтларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўлинмалари учун)*
V. *Ташкилий-услубий фаолият*
VI. *Маънавий-маърифий ва тарбиявий фаолият*

7.12 *Ўқитувчилик фаолиятининг умумий вақт меъёрлари* клиник ва ноклиник ўқув бўлимлари хусусиятининг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда умумий йиллик иш соатлари таркибида қуйидаги нисбатлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади:

Таълим фаолияти учун умумий вақт меъёрлари

Таълим фаолияти тури	Минимум	Максимум
I. Ўқув фаолияти	умумий соат миқдорининг 40%и	умумий соат миқдорининг 70%и
II. Илмий-услубий фаолият	Амалда	
III. Даволаш (ишлаб чиқариш) (фақат врачлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муассасалари учун)		
IV. Илмий-тадқиқот (фақат врач ва фармацевтларнинг МОваҚТ бўлинмалари учун)		
V. Ташкилий-услубий фаолият		

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

VI. Маънавий-маърифий ва тарбиявий фаолият	

Шу билан бирга мазкур талаблар фақат ўқув фаолияти учун ўқитувчи фаолиятининг вақт меъёрлари белгилайди, илмий-услубий ишлар учун фаолият турларини аниқлайди. Ўқитувчилик фаолиятининг бошқа турлари бўйича ҳажм ва юкламалар кафедра мудирлари ёки ўқув ишларини ташкил қилиш бўйича бошқа масъул шахслар томонидан ишнинг алоҳида турлари, мутахассисликнинг хусусиятини, ўқув курси ва бўлинмада ишларни ташкил қилишнинг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда мустақил равишда тартибга солинади.

7.13 Ўқув фаолияти учун қуйидаги вақт меъёрлари ўрнатилади:

№ т/р	*Иш тури*	*Иш тури учун ажратилган вақт меъёри*	*Иш турлари тугалланганлигини аниқлаш*
1.	Ўқув фаолияти – ўтказиладиган ўқув машғулотлари (маърузалар, амалиёт, семинарлар, лаборатория ишлари ва бошқалар)	1 академик соат – 1 соат (ишчи ёки астрономик)	Ўқув машғулоти тегишли ўқув дастури асосида 1 академик соат (45 дақиқа) ёки танафуссиз 2 академик соат (80 дақиқа) ҳисобидан ўтказилади. Гуруҳларда ўтказилган машғулот рўйхатга олиш журналига қайд этилади.
2.	Якуний назорат ва аттестацияга (қайта тайёрлаш курслари учун) тайёрлаш учун умумий (бирлаштирилган) маъруза ва консультация ўтказиш.	1 фан учун (1 та умумий ёки бирлаштирилган ўқув гуруҳи) – 6 соат	Умумий маърузалар ва консультация ўқув жадвалига киритилиши ва рўйхатга олиш журналига қайд этилиши керак.
3.	Курс ишлари ва курс лойиҳаларига раҳбарлик қилиш, уларни ёзиш бўйича маслаҳат бериш, тақриз ёзиш ва қабул қилиш (мутахассислик курслари ва клиник ординатура).	1 та курс иши учун – 2 соат 1 та курс лойиҳаси учун – 3 соат	Бир ўқитувчига мутахассислик ёки клиник ординатурадаги бир ўқув курсида таълим олувчиларнинг 1 та умумий гуруҳини режалаштириш мумкин. Курс ишлари (курс лойиҳалари)ни белгилашда режалаштирилади.
4.	Қайта тайёрлаш курсларида курс ишлари (курс лойиҳалари) ҳимоясини ўтказиш	1 та курс иши ҳимояси учун – 0,4 соат; 1 та курс лойиҳаси ҳимояси учун – 0,6 соат; Ўқутувчиларнинг 1 кунлик ўқув соатлари 8 соатдан ошмаслиги керак.	Курс иши (курс лойиҳаси) ҳимоясида камида 2 та ўқитувчи иштирок этиши керак. Умумий соатлар иштирок этаётган ўқитувчилар ўртасида тенг бўлинади. Ҳимояда ўқитувчиларнинг иштироки ўқув жадвалига киритилади.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

№ т/р	Иш тури	Иш тури учун ажратилган вақт меъёри	Иш турлари тугалланганлигини аниқлаш
5.	Блок-модулли ёндашув асосида ўқув курсида оралиқ ва якуний назорат бўйича консультация бериш	1 фан учун (1 та умумий ёки бирлаштирилган ўқув гуруҳига) – 6 соат	Консультация қилиш ўқув жадвалига киритилиши ва рўйхатга олиш журналига қайд этилиши керак.
6.	Якуний аттестация ўтказиш (умумий малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари учун)	Ёзма иш учун кичик ўқув гуруҳларида – 3 соат Оғзаки шаклда 1 та тингловчига – 0,2 соат, ижодий иш учун – 0,3 соат 1 тингловчининг ёзма (ижодий) ишини текшириш учун – 0,3 соат; Тест назорати бўйича кичик гуруҳлар учун – 1 соат. Якуний аттестациядан ўтказиш бўйича давлат комиссиясининг раисига 1 комиссия аъзоси вақтнинг 20 % и қўшилади. Комиссиянинг ҳар бир аъзоси учун бир кунлик умумий иш юкламаси 8 соатдан ошмаслиги зарур.	Ҳар бир ўқитувчига – комиссия аъзосига ёзма ишлар бўйича комиссияда иштирок учун бир кичик ўқув гуруҳи учун кўпи билан 3 соат ҳисобланади. Бу соатлар миқдори иштирокчи ўқитувчиларга тенг миқдорда бўлинади. Ҳар бир ўқитувчига – комиссия аъзосига оғзаки якуний атесстацияда иштирок учун амалда сарфланган соат миқдори ҳисобланади. Алоҳида ўқитувчиларнинг якуний аттестацияда иштироки мос буйруқларда ва ўқув жадвалларида ўз аксини топиши керак. Иштироки олдиндан режалаштирилиши мумкин бўлмаган аттестация комиссияси аъзоларининг якуний аттестацияда иштироки учун сарфланган вақт аттестация якунланганидан сўнг соатбай асосда тўлаб берилади. Бунда ушбу соатлар ўқитувчиларнинг соатбай асосдаги иш ҳажми бўйича умумий шахсий режага киритилади.
7.	Курс ишлари ва ўқув ишларини назорат қилиш, текшириш, соддалаштирилган ўқув дастурида акс этган курс иши ва ўқув ишлари бўйича маслаҳат бериш, тақриз ёзиш ва қабул қилишда иштирок этиш	1 та топшириқ учун – 0,3 соат, 1 та фан учун 1 соатгача	Кафедра (услубий кенгаш) қарорига кўра бир ўқитувчига учтагача кичик ўқув гуруҳлари бириктирилиши мумкин. Курс ва ўқув ишларининг бажарилиши бўйича баҳо ўқув жадвали ва рўйхатга олиш журналида ўз аксини топиши керак.
8.	Оралиқ ва якуний назоратларни	Ҳар бир тингловчи учун:	Блок-модулли таълимда оралиқ [illegible] соатдан кам

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

№ т/р	Иш тури	Иш тури учун ажратилган вақт меъёри	Иш турлари тугалланганлигини аниқлаш
	ўтказиш, шунингдек, айрим машғулотларни қолдирган тингловчилардан қайта топширишни қабул қилиш.	- оралиқ назоратда – 0,2 соат; - якуний назоратда – 0,3 соат; - блок-модулли ўқитишда оғзаки назоратда – 0,2 соат; - блок-модулли ўқитишда оғзаги оралиқ ва якуний назоратда – 0,2 соат; Блок-модулли ўқитишда ёзма назорат учун – 0,5 соат; қолдирилган машғулотларни қайта топшириш учун – 0,3 соат. Ўқув йили давомида бир ўқитувчи учун умумий миқдор 40 соатдан ошмаслиги керак.	бўлмаган ҳажмда ўтказилади. Клиник ординаторларнинг оралиқ ва якуний назорати “Клиник ординатура тўғрисидаги қоидалар” ва ўқув дастурига мувофиқ ўтказилади. Ўқитувчилар ва таълим олувчилар оралиқ ва якуний назоратлар жадвалидан ўқув курси (ўқув йили) бошидан хабардор бўлиши керак, у ўқув жадвали ва рўйхатга олиш журналларида ўз аксини топиши лозим.
9.	Амалий машғулотларга раҳбарлик қилиш, ҳисоботларни текшириш ва қабул қилиш, амалиёт бўйича ёзма ишлар ўтказиш ва уларни баҳолаш	Ҳар бир тингловчига бир иш куни давомида амалий машғулотлар учун – 0,5 соат. Бунда: -бир иш куни мобайнида битта кичик ўқув гуруҳига раҳбарлик учун – 6 соат; -асосий ўқув базасида ўтказиладиган педагогик ва ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик учун – 1 иш куни учун 3 соат; -асосий ўқув базасидан ташқарида ўтказилган педагогик ва ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик учун – 1 иш куни учун 6 соат; -индивидуал олиб бориладиган амалиётда ҳар бир таълим олувчи	Ўқув жараёнининг бундай тури ўқитувчининг умумий ўқув юкламасининг 20 фоизидан ошмаслиги керак. Блок-модулли ўқув машғулотларини ўтказишда ушбу турдаги ўқув жараёнининг соатлари олий ўқув юртлари томонидан белгиланади. Ушбу турдаги ишларни бажариш ўқув муассасасининг буйруғи, ўқув дастурлари, амалий машғулотлар кундалиги ва тингловчилар амалиёти бўйича баҳолаш билан белгиланади.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

№ т/р	Иш тури	Иш тури учун ажратилган вақт меъёри	Иш турлари тугалланганлигини аниқлаш
		учун барча амалиёт муддати давомида 2 соат	
10.	Клиник ординаторларга илмий раҳбарлик қилиш, жумладан, оралиқ, йиллик ва якуний аттестацияга тайёрлаш, хулоса, тавсифномалар тайёрлаш, турли хилдаги ўқув ва илмий маслаҳатчилик	Ҳар бир клиник ординаторга илмий раҳбарлик учун йилига 54 соат белгиланади.	Битта илмий раҳбарга 10-12 та клиник ординатор бириктирилади.
11.	Клиник ординаторларни қабул қилиш бўйича имтиҳон комиссиясида иштирок этиш	Бир гуруҳ абитуриентлардан ёзма иш олиш – 3 соат; Оғзаки имтиҳонда – бир абитуриентга 0,1 соат; Бир гуруҳ абитуриентлардан тест олиш – 1 соат; Ҳар бир ёзма ишни (ижодий) текшириш – 0,1 соат. Бир ўқитувчига кунлик ўқув юкламаси 8 соатдан ошмаслиги керак.	Бир гуруҳ абитуриентлардан ёзма иш олишда ҳар бир ўқитувчига – 3 соатдан; Имтиҳонда ёзма ишлар ва тест ўтказишнинг умумий соатлари ўқитувчилар сонига тенг бўлинади. Оғзаки имтиҳон ва тестда қатнашган ҳар бир комиссия аъзосига соат берилади. Қабул имтиҳонлари ва тестда қатнашиш тегишли буйруқ ва жадвал асосида белгиланади. Бу ҳолатларда соатлар ўқитувчининг шахсий режадаги соатлар бўйича иш ҳажмига қўшилмайди.
12.	Таянч докторант, докторант ва мустақил изланувчиларга илмий раҳбарлик қилиш	Бир таянч докторант, докторант учун – 100 соат; Бир мустақил изланувчига – 50 соат.	Фан доктори, профессор ўзи ишлаётган ташкилотдаги 3 нафаргача таянч докторант, докторантга илмий маслаҳатчи бўлиши мумкин. Илмий маслаҳатчи ташкилотнинг тегишли буйруғи ва таянч докторант, докторант ҳамда мустақил изланувчиларнинг иш режасига кўра аниқланади.
13.	Очиқ маъруза ва маҳорат-дарсларини тайёрлаш ва ўтказиш	Бир академик соат очиқ маъруза ва маҳорат-дарси учун – 5 соат. Очиқ маъруза учун бир ўқув йилида 30 соатдан кўп эмас. Маҳорат-дарси учун: Бир ўқув йилида	Очиқ маъруза ва маҳорат-дарсини ўтказиш тегишли режа ва тасдиқловчи ҳужжат асосида аниқланади.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

№ т/р	Иш тури	Иш тури учун ажратилган вақт меъёри	Иш турлари тугалланганлигини аниқлаш
		таълим муассасаси миқёсида ўтказилгани – 30 соатдан кўп эмас;	
		Бир ўқув йилида республика миқёсида ўтказилгани – 40 соатдан кўп эмас;	
		Бир ўқув йилида халқаро миқёсда ўтказилгани – 60 соатдан кўп эмас;	

7.14 Илмий-услубий фаолият қуйидагиларни ўз ичига олади:

ўқув тадбирларига (маъруза, амалий, семинар, лаборатория) тайёргарлик;

маърузаларнинг янги матнлари, вазифалар тўплами (мисолларни), услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш, ёзиш ва чоп этиш;

тегишли ўқув дастурлари ёрдамида ўқув материаллари, слайдлар, электрон ва видео материаллар, электрон дарсликлар (ўқув қўлланмалари) тўпламини тайёрлаш (ишлаб чиқиш);

дарсликлар, ўқув қўлланмаларни ёзиш ва нашрга тайёрлаш;

ўзгартиришлар киритилганидан кейин ўқув қўлланмалари, дарсликларни қайта нашр этиш;

услубий қўлланмани (қўлланма, брошюраларни) тайёрлаш ва чоп этиш;

йўналиш (мутахассислик, кенгайтирилган мавзу бўйича) ва тегишли ўқув модули электрон папкаси бўйича ўқув-услубий материаллари тўпламини ишлаб чиқиш;

ўқув-услубий мажмуани қайта ишлаб чиқиш (янгилаш);

лаборатория ишларини янгилаш;

янги лаборатория ишларини, шунингдек, виртуал лаборатория ишини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш;

ихтисослаштириш курслари, клиник ординатура ўқув дастурлари, малака оширишнинг бирхиллаштирилган ўқув дастурлари ва мавзули ўқув дастурларини ишлаб чиқиш;

ишчи дастурни ишлаб чиқиш;

электрон дарсликларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа илмий-ўқув материалларни таржима қилиш;

ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун ўқув материалларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

оралиқ ва якуний назорат учун назорат савол-топшириқларни ишлаб чиқиш (тестлар, вазиятли масалалар, имтиҳонлар ва бошқалар);

мантиқий саволлар, муаммоли мисоллар (ҳолатлар), назоратнинг турли шаклларида (оралиқ, якуний) билимни баҳолаш учун ўз фаолияти бўйича ҳужжатларни мустақил ишлаб чиқиш учун топшириқларни ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган мантиқий саволлар, вазиятли ҳолатлар, ўз фаолиятига оид ҳужжатларни тўлдириш бўйича топшириқларнинг экспертизасини ўтказиш;

малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш;

ўқув дастурлари ва ўқув материалларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш бўйича фаолиятнинг бошқа шакллари.

O'ZBEKISTON STANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

8. ЎҚУВ ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ, ТАШКИЛЛАШТИРИШ ВА ҲИСОБОТ БЕРИШ

8.1 Тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курслари (цикллар) режа асосида ва режадан ташқари амалга оширилади.

Режадаги малака ошириш курслари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган йиллик календар режа асосида ўтказилади. Унда ўқув курслари (цикллари), ўқув муддати, таълим берувчи муассаса ва бўлинмалар, курс ихтисослиги (зарурат бўлса), ўқитиладиганлар контингенти, 1 та циклда ўқитиладиганлар сони, ўқитиш жойи (сайёр цикллар учун) акс этади.

Давлат гранти асосида ўқиётган клиник ординаторлар учун ўтказиладиган клиник ординатура ва ихтисослаштиришнинг мақсадли курси қайта тайёрлашнинг режадаги курсига киради.

Малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг режадан ташқари курслари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг алоҳида буйруқлари, бошқа вазирликлар ва идоралар, ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари, тиббиёт ва бошқа ташкилотларнинг талабига, тиббиёт ходимларнинг якка тартибдаги аризасига мувофиқ малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасаларининг бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликдаги фаолияти тўғрисидаги шартнома асосида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг режадан ташқари ўқув курсларини ўтказиш бўйича буйруқларида ушбу курсларни молиялаштириш манбаи кўрсатилиши ва уларнинг ўқув дастури тасдиқланиши керак.

8.2 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими таълим муассасалари қуйидагиларни ўтказади:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими давлат муассасалари тиббиёт ходимлари учун режадаги малакасини ошириш курслари;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг алоҳида буйруқларига мувофиқ режадан ташқари малака ошириш курслари;

умумий амалиёт шифокорининг мақсадли бирламчи ихтисослаштириш курслари;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан алоҳида врачлик ихтисосликлари бўйича кадрлар етишмовчилигини тахлил қилиш асосида белгиланадиган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган йўналишлар бўйича тор мутахассислик врачларининг мақсадли бирламчи ихтисослаштириш курслари;

болага қараш таътили тугаганидан сўнг ҳамда тўлиқ меҳнат реабилитацияси ва ногиронлик гуруҳи бекор қилиниши билан боғлиқ бўлган ногиронлик муддати тугаганидан сўнг дастлабки бир йил мобайнида (бир йилдан сўнг мутахассисликни тиклаш умумий тартибда ўтказилади) мутахассисликни тиклаш курслари;

давлат гранти асосида таълим олаётган клиник ординаторлар учун клиник ординатура курслари.

8.3 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими таълим муассасалари қуйидагиларни ўтказади:

бошқа вазирлик ва идораларнинг, шунингдек, нодавлат ташкилотлар тиббиёт ходимлари учун режадаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари;

йиллик календар режада назарда тутилган режадаги мавзули малака ошириш курслари;

тиббиёт ходимлари малакасини оширишнинг режадан ташқари курслари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими муассасалари ходимларининг малакасини оширишга қўшимча эҳтиёж мавжуд бўлганида тиббиёт ходимлари малакасини оширишнинг режадан ташқари курслари;

кайта тайёрлаш курслари (давлат гранти асосидаги клиник ординатура ва ихтисослаштиришнинг максадли курсларидан ташқари);

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

хорижий фуқароларни ўқитиш;

бюджет харажатларида кўзда тутилмаган қўшимча ва сервис хизмат ҳамда ишлар.

Тасарруфида тиббиёт муассасаси бўлган бошқа вазирлик, идора ва ташкилотларнинг тиббиёт ходимлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими таълим муассасаларида қонунчиликда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

8.4 Илмий-текшириш ташкилотлари, ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, даволаш-профилактика ва тиббий-профилактика муассасалари, фармацевтик ва бошқа ташкилотлар таълим фаолияти билан шуғулланишга лицензияси (аккредитация) бўлмаса, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Тошкент Фармацевтика тиббиёт институти, Республика ўрта тиббиёт ходимлари ва фармацевтлари малакасини ошириш маркази билан ҳамкорликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома асосида тиббиёт ходимлари мавзули малака ошириши ва қўшимча ихтисослаштириши мумкин. Бунда мазкур малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасалари ҳамкорликдаги таълим сифати ва услубий таъминланишга масъул ҳисобланади.

8.5 Тиббиёт ходимларининг билвосита шаклда малакасини оширишнинг (стажировка, семинар, съезд, анжуманларда иштирок этиш; ахборот технологиялари ва хорижий тилларни ўзлаштириш курсларида ўқиш) ўзаро келишув асосида амалга оширилади.

Махаллий, хорижий ва халкаро тиббиёт ташкилотларида тиббиёт таълим муассасаларининг тиббиёт ходимлари ва профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш ўрнатилган тартибда амалга оширилиши мумкин.

8.6 Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими муассасалари ва бўлинмаларида ўқиш малака ошириш ва қайта тайёрлаш мазкур стандартга мувофиқ унификациялаштирилган ва мавзули ўқув дастурлари асосида ишлаб чиқилган ишчи дастурлар бўйича амалга оширилади.

Келгуси ўқув йили учун ўқув фаолиятининг умумий ҳажмини режалаштириш муассаса ва бўлинмаларида тасдиқланган бюджет маблағлари ҳисобидан, шунингдек, бюджетдан ташқари ўқув фаолиятининг ҳисоб-китобидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Бунда ўқув бўлимлари учун меҳнат қонунчилигига мувофиқ ўқув йил мобайнида жами иш вақти, шу жумладан, ўқув юкламаси бўйича иш соатлари жамлаб ҳисобга олиш тартибида ҳисобланади.

Тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини режалаштириш ва ташкил этиш амалдаги ихтисослик ва тиббиёт ходимларининг лавозим номенклатураси, тиббиёт ходимлари тўғрисидаги статистик ва шахсий маълумотлар, шунингдек, ҳар йили соғлиқни сақлаш бошқармаларининг ҳудудий органлари ва муассасалари томонидан Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Тошкент Фармацевтика тиббиёт институти, Республика ўрта тиббиёт ходимлари ва фармацевтлари малакасини ошириш маркази, жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий текшириш институти ва унинг филиалларига тақдим этиладиган мутахассисликлар кесимида тасдиқланган йиллик ва 5 йилликнинг истиқболли режаси асосида амалга оширилади.

Таянч муассасалар (Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Тошкент Фармацевтика тиббиёт институти, Республика ўрта тиббиёт ходимлари ва фармацевтлари малакасини ошириш маркази) соғлиқни сақлаш бошқарув органлари ва муассасалари томонидан тақдим этилган маълумотларга асосланган ҳолда тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг истиқболли ва календар режаларни ишлаб чиқади.

8.7 Малака оширишнинг йиллик ва истиқболли режаларини тузишда раҳбарлар йилига минимал таълим нормативи – ўз шифокорлари сонидан 30 %, фармацевт, олий маълумотли ҳамшираларидан, ўрта тиббиёт ва фармацевт ходимлар, тиббиёт техникаси бўйича муҳандис-техник ишчилардан 15% дан келиб чиқиши лозим.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

8. ЎҚУВ ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ, ТАШКИЛЛАШТИРИШ ВА ҲИСОБОТ БЕРИШ

8.1 Тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курслари (цикллар) режа асосида ва режадан ташқари амалга оширилади.

Режадаги малака ошириш курслари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган йиллик календар режа асосида ўтказилади. Унда ўқув курслари (цикллари), ўқув муддати, таълим берувчи муассаса ва бўлинмалар, курс ихтисослиги (зарурат бўлса), ўқитиладиганлар контингенти, 1 та циклда ўқитиладиганлар сони, ўқитиш жойи (сайёр цикллар учун) акс этади.

Давлат гранти асосида ўқиётган клиник ординаторлар учун ўтказиладиган клиник ординатура ва ихтисослаштиришнинг мақсадли курси қайта тайёрлашнинг режадаги курсига киради.

Малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг режадан ташқари курслари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг алоҳида буйруқлари, бошқа вазирликлар ва идоралар, ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари, тиббиёт ва бошқа ташкилотларнинг талабига, тиббиёт ходимларнинг якка тартибдаги аризасига мувофиқ малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасаларининг бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликдаги фаолияти тўғрисидаги шартнома асосида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг режадан ташқари ўқув курсларини ўтказиш бўйича буйруқларида ушбу курсларни молиялаштириш манбаи кўрсатилиши ва уларнинг ўқув дастури тасдиқланиши керак.

8.2 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими таълим муассасалари қуйидагиларни ўтказади:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими давлат муассасалари тиббиёт ходимлари учун режадаги малакасини ошириш курслари;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг алоҳида буйруқларига мувофиқ режадан ташқари малака ошириш курслари;

умумий амалиёт шифокорининг мақсадли бирламчи ихтисослаштириш курслари;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан алоҳида врачлик ихтисосликлари бўйича кадрлар етишмовчилигини таҳлил қилиш асосида белгиланадиган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган йўналишлар бўйича тор мутахассислик врачларининг мақсадли бирламчи ихтисослаштириш курслари;

болага қараш таътили тугаганидан сўнг ҳамда тўлиқ меҳнат реабилитацияси ва ногиронлик гуруҳи бекор қилиниши билан боғлиқ бўлган ногиронлик муддати тугаганидан сўнг дастлабки бир йил мобайнида (бир йилдан сўнг мутахассисликни тиклаш умумий тартибда ўтказилади) мутахассисликни тиклаш курслари;

давлат гранти асосида таълим олаётган клиник ординаторлар учун клиник ординатура курслари.

8.3 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими таълим муассасалари қуйидагиларни ўтказади:

бошқа вазирлик ва идораларнинг, шунингдек, нодавлат ташкилотлар тиббиёт ходимлари учун режадаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари;

йиллик календар режада назарда тутилган режадаги мавзули малака ошириш курслари;

тиббиёт ходимлари малакасини оширишнинг режадан ташқари курслари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими муассасалари ходимларининг малакасини оширишга қўшимча эҳтиёж мавжуд бўлганида тиббиёт ходимлари малакасини оширишнинг режадан ташқари курслари;

кайта тайёрлаш курслари (давлат гранти асосидаги клиник ординатура ва ихтисослаштиришнинг максадли курсларидан ташқари);

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими муассасалари билан биргаликда олинган йиллик ва истиқболли режалар асосида *тиббиёт ходимлари малакасини оширишнинг календар режаси*ни тузади ва тасдиқлайди.

8.8 Режалаштириш тезкорлигини ошириш ва мавжуд шароитнинг ўзгаришлари ҳамда Ҳукумат ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қайта қабул қилинган қарорлар ижросини ҳисобга олган ҳолда ўқув тадбирларининг долзарблигини таъминлаш мақсадида малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича истиқболли режалар ўқув йили давомида тегишли малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими муассасалари бўйича умумий ҳажмининг 20% гача ўзгартирилиши мумкин. Баъзи ўқув курслари ва ўқув мавзуларининг ўзгариши малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг тасдиқланган умумий ҳажмини камайтирмаслиги керак.

8.9 Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими муассасалари тасдиқланган календар ўқув режасига кўра алоҳида ўқув циклларн учун *йўлланмаларни* ёки тегишли мутахассислар учун шахсий йўлланмаларни юборади.

Маҳаллий бошқарув органлари, идоралар ва ташкилотлар йўлланмаларни тегишли соғлиқни сақлаш муассасаларига тақсимлайди, шахсий йўлланмалар ишчиларга манзилли тақсимланади.

Ҳудудий бошқарув органлари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ва малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими таянч муассасаларининг марказий ташкилий-услубий кенгашига *олинган ва тақсимланган курсант йўлланмаларининг ойлар кесимидаги йиллик ҳисоботини* топширадилар.

8.10 Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими таянч муассасаларининг филиаллари ва малака ошириш факультетлари тугалланаётган ўқув йилидаги фаолият тўғрисидаги йиллик ҳисоботни таянч муассасаларнинг марказий ташкилий-услубий кенгашга 30 июнгача тақдим этадилар.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг таянч муассасалари тугалланаётган ўқув йили учун ўзининг ва тасарруфидаги филиал ҳамда малака ошириш факультетлари ўқув фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисоботи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига топширади.

8.11 Алоҳида ўқув-ишлаб чиқариш жараёнлари бўйича ҳужжатлар ва ҳисоботлар мазкур стандарт ҳамда ҳужжат айланмаси ва иш юритишни ташкил этишнинг амалдаги қоидаларига мувофиқ таянч муассасалар томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

9. ТИНГЛОВЧИЛАРНИ САРАЛАШ, ҚАБУЛ ҚИЛИШ, РЎЙХАТГА ОЛИШ, ЎҚИТИШ ВА СЕРТИФИКАТ БЕРИШ ТАРТИБИ

9.1 Умумий ва мавзули малака ошириш курсларига муассаса раҳбарининг тегишли буйруғи билан юборилган тиббиёт ходимлари қўйилади. Таътилда бўлган тиббиёт ходимлари таътил вақтида муассаса раҳбарининг таътил тўғрисидаги буйруқ нусхасини тақдим этиш билан малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасаси ваколатли шахсига ёзган шахсий аризасига асосланган ҳолда малака ошириш курсида ўқиши мумкин.

Тиббиёт ташкилоти раҳбарининг ходимни малака ошириш курсига юбориши учун малака ошириш курсини ўтказишга юридик шахслар (буюртмачи ва ижрочи) ўртасидаги шартнома, шунингдек, йўлланма, тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муассасасидан юборилган хат-таклифнома ёки электрон шаклдаги шахсий таклифнома (интерфаол хизматларни амалга оширишда) асос бўлади.

9.2 Тиббиёт ходимларини умумий ёки мавзули малака ошириш курсларига юридик шахслар ўртасидаги шартнома асосида қабул қилишда (рўйхатга олиш) тингловчилар (курсантлар) қуйидаги ҳужжат ва уларнинг нусхаларини тақдим этишлари керак: паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат, фамилияси ўзгарган тақдирда никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома, олий ёки ўрта махсус маълумот ҳақидаги ҳужжат, тор тиббий мутахассислик олганлик тўғрисидаги ҳужжат, шунингдек, малака тоифаси ва охирги 5 йилда малака

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

оширганлик тўғрисидаги сертификатнинг нусхаси. Бундан ташқари, тингловчиларни шартнома асосида ўқишга қабул қилишда албатта тиббиёт ходимининг лавозими кўрсатилиши, йўлланма, хат-таклифнома ва шахсий таклифнома билан қабул қилинган ходимлар меҳнат дафтарчасининг нусхасини тақдим этиши шарт.

Тиббиёт ходимларни 36 соатгача бўлган қисқа муддатли мавзули малака ошириш курсларига қабул қилишда фақатгина паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат, олий ёки ўрта махсус маълумот тўғрисидаги диплом ва унинг нусхасини тақдим этиш билан рўйхатдан ўтишнинг соддалаштирилган тартибига рухсат берилади.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасаларига керакли ҳужжатлар тақдим этилганидан сўнг тиббиёт ходимлари тингловчилар (курсантлар) сифатида қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ чиқарилади. Ўқиш вақтида тингловчилар муассасанинг ички тартиб-қоидаларига бўйсунадилар.

9.3 Ихтисослаштириш курсларига муассаса раҳбарининг тегишли буйруғи билан юборилган тиббиёт ходимлари қабул қилинади. Ижтимоий таътил, ойлик маоши сақланмаган таътилда бўлган, шунингдек, вақтинча ишсиз бўлган тиббиёт ходимлари малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасалари ваколатли шахсига ёзган шахсий аризаси асосида ихтисослаштириш курсларида ўқиши мумкин.

Ташкилот раҳбарининг тиббиёт ходимининг ихтисослаштириш курсига юбориши учун юридик шахслар (буюртмачи ва ижрочи) ўртасидаги шартнома, соғлиқни сақлаш муассасаларида тегишли йўналишдаги мутахассисларнинг вакант ўринлари, шунингдек, тиббиёт ходимини соғлиқни сақлаш бошқарув органларининг тиббиёт ходимларини мақсадли қайта тайёрлаш курсларига юбориладиганлар рўйхатига қўшиш асос бўлади.

Мақсадли қайта тайёрлаш курсларига юбориш ва қабул қилиш ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

9.4 Тиббиёт ходимларни ихтисослаштириш курсларига қабул қилишда тингловчилар (курсантлар) қуйидаги ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларини тақдим этиши керак: паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат, фамилиясини ўзгартирган шахслар учун никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома, олий ёки ўрта махсус маълумот тўғрисидаги ҳужжат, олинган тор мутахассислик тўғрисидаги ҳужжат, шунингдек, малака тоифаси ва сўнгги 5 йилда малака оширганлик тўғрисидаги сертификат нусхаси ҳамда меҳнат дафтарчасининг нусхаси.

Керакли ҳужжатлар тақдим этилганидан сўнг тиббиёт ходими қайта тайёрлаш курсига тингловчи (курсант) сифатида қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ чиқарилади. Ўқиш вақтида тингловчилар (курсантлар) таълим берувчи муассасанинг ички тартиб-қоидаларига бўйсунади.

Қайта тайёрлаш курсини муваффақиятли тугатганлик тўғрисидаги сертификат фақатгина буюртмачи томонидан ўрнатилган тартибда берилади.

9.5 Малака ошириш ёки қайта тайёрлаш курсига келган мутахассис курсантнинг шахсий анкетасини тўлдириши керак. Анкетадаги маълумотлар тақдим этилган ҳужжатлар билан бирлаштирилади.

Муассасанинг ваколатли шахслари (деканлар, декан ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари ва бўлим бошликларининг ўринбосарлари, инспекторлар) тақдим этилган нусхаларни асли билан солиштиради. Сайёр ва масофавий цикларда цикл кураторлари, тьюторлар ва мураббийлар ҳужжатларни асли билан солиштиради.

Зарурат бўлганида, курсантлар малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими муассасаси ёки таълимнинг ташкилотчи муассасаси томонидан курсантнинг ўқишга келган вақти кўрсатиладиган сафар гувоҳномаларини тақдим этади.

9.6 Соғлиқни сақлаш ходими малака оширишнинг билвосита шаклидаги тадбирларда қатнашганда (семинар, анжуман, съезд) таълим ташкилотчиларига паспорт нусхаси, никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси (фамилияси ўзгарган бўлса), шунингдек, диплом нусхаси ва раҳбарнинг ўқишга (стажировкага) юбориш ҳақидаги буйруғидан кўчирмасини тақдим этади. Ахборот коммуникация технологиялари ва

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

хорижий тиллар бўйича ўқишда тингловчиларни рўйхатдан ўтказиш ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

9.7 Мутахассисларни ўқишга қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатли шахслар муассаса раҳбари, унинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, факультет декани, маркетинг бўлими бошлиғи бўлади.

Қабул қилиш ваколатли ташкилий бўлинмалар (деканат, ўқув бўлими, маркетинг бўлими ва бошқалар) томонидан муассаса бўйича раҳбар ёки ўқув ишлари бўйича ўринбосар томонидан тасдиқланадиган тегишли буйруқларни тайёрлаш ва тасдиклаш йўли билан амалга оширилади.

Ўқишга бюджет маблағлари ҳисобидан қабул қилиш учун мутахассис томонидан ўқиш учун рўйхатда келтирилган зарур ҳужжатларни тақдим этиш асос бўлиб хизмат қилади. Бу тиббиёт ходимининг ўқиш шартлари ва қоидаларига ихтиёрий розилигини билдиради.

Ўқишга тўлов-контракт асосида қабул қилиш учун рўйхатда келтирилган зарур ҳужжатлар мавжуд бўлганида пуллик таълим хизматларини кўрсатиш учун томонлар имзолаган шартнома асос бўлиб хизмат қилади. Шартнома имзолашнинг асосий шарти рўйхатда келтирилган зарур ҳужжатларнинг мавжудлигидир.

Ўқишга қабул қилинган мутахассислар тингловчи (курсантлар) деб ҳисобланиб, уларга тингловчи (курсантлик) гувоҳномаси берилади ва ўқиш даврида муассасанинг ички тартиб-қоидаларига бўйсунади. Ўқишни тугатгандан сўнг, мутахассислар иш жойиларига (кадрлар бўлимига) таълим олганликни тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши зарур.

9.8 Курсантларни ўқишга қабул қилиш, одатда ўқув цикли бошлангунга қадар ўтказилади. Ҳажми 72 академик соатдан ортиқ бўлган бошланган малака ошириш цикларига қабул циклнинг учинчи кунигача (шу куни ҳам) ўтказилади. Циклнинг тўртинчи кунидан бошлаб, курсант бўлмаган кунлар ўқишнинг умумий ҳажмидан чиқариб ҳисобланади, циклнинг еттинчи кунидан бошлаб рўйхатга олинмайди.

Ҳажми 72 академик соат ва ундан кам бўлган малака ошириш цикларига қабул қилиш учинчи кунгача ўтказилади, циклнинг тўртинчи кунидан бошлаб рўйхатга олинмайди.

Ҳажми 36 академик соат ва ундан кам бўлган малака ошириш цикларига қабул қилиш иккинчи кунгача ўтказилади, циклнинг учинчи кунидан бошлаб рўйхатга олинмайди.

9.9 Малака оширишнинг қисқа муддатли, шунингдек, сайёр цикллари ўтказилганида тингловчиларни ўқиш жойида дастлабки рўйхатга олиш кафедра/курс мудирлари ёки цикл кураторларининг шахсий жавобгарлиги остида ўтказилади. Бу ҳолларда якуний рўйхатга олиш ва қабул қилиш ўқиётганларнинг ҳужжатлари деканат ёки ўқув бўлимига тақдим этилганидан сўнг ваколатли шахслар томонидан амалга оширилади.

Агар кафедра/курс ходимлари томонидан дастлабки қабул қилиш бўйича ўқиган баъзи мутахассисларда деканатда қабул қилиш ва рўйхатга олиш вақтида рўйхатда келтирилган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, ваколатли шахс уларни қабул қилинган курсантларга қўшмайди ва уларга ўқиш жараёнида иштирок этганлиги тўғрисида маълумотнома беради.

9.10 Ўқиш жараёнида курсантлар муассаса ва ўқув бўлинмаларнинг ички тартиб-қоидаларига бўйсунади, ўқиш жараёнида олинган ёки фойдаланилган моддий бойликлар учун моддий жавобгар ҳисобланади, тегишли маълумотлари (шахсий сирлар, врачлик сирлари, хизмат сирлари, қонун билан муҳофаза қилинган бошқа сир шакллари) махфийлигининг қонуний талабларига, касбий ахлоқ меъёрлари, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа талабларга риоя қилади.

9.11 Курсантлар ўқиш жараёнида ўқув дастурига мувофиқ таълим сифати назоратидан (синов, имтихон, тест назорати ва бошқалар) ўтади. Ўқиш тугаганидан сўнг, унинг натижаларидан қатъий назар, курсантлар [illegible] қабул қилиш-

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

топшириш актига тенглаштирилган синов (имтиҳон) қайдномасига ўқиш натижаларини кўрсатган ҳолда имзо қўяди. Бу курсантларнинг таълимдан қониққанлиги ва ўқиганлик тўғрисидаги ҳужжатни олганлигини англатади.

9.12 *Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини муваффақиятли тугатган* тингловчиларга (курсантларга) ўтилган таълим ҳажми (соат миқдори), календар муддати, ўқув курси мавзуси ва ихтисослиги, ўқув муассасаси кўрсатилган белгиланган намунадаги сертификат берилади.

Масофавий ўқув курслари ўтказилганида ўқиганлик тўғрисидаги ҳужжатлар мутахассиснинг ўзига ёки ишончнома бўйича унинг ишонган шахсига тақдим этилади ёки рўйхатга олиш вақтида қайд этилган почта манзилига буюртма хат билан юборилади.

9.13 Агар тингловчи якуний назоратни муваффақиятли топшира олмаса ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсини тугата олмаса, унга якуний назоратни томонларнинг келишувига кўра белгиланган муддатларда қайта топшириш имкони берилади. Лекин бу муддат малака ошириш курси тугаганидан кейин 1 ойгача ва қайта тайёрлаш курси тугаганидан сўнг 2 ойгача бўлиши мумкин.

Якуний назоратни қайта муваффаққиятсиз топширган мутахассисга малака ошириш ва қайта тайёрлаш курси ўтганлиги тўғрисида маълумотнома берилади. Унда ўтилган курснинг календар муддатлари, ўқув курси мавзуси ва ихтисослиги, муассаса номи кўрсатилади. Маълумотнома тиббиёт ходимининг вакант лавозимни эгаллаши, аттестация ва лицензия олишда малака оширишнинг жами соатларини ҳисоблашда инобатга олиш учун асос бўлмайди. У фақат тиббиёт ходимининг иш соатларини ҳисоблаш учун ходимнинг маълумотномада кўрсатилган муддатларда ўқув жараёнида иштирок этганлигини тасдиқлайди.

9.14 Тингловчи таълим сифатидан қониқмаган ҳолларда, керакли чораларни кўриш учун, ёки ўқишни тўхтатиш, ёки томонларнинг келишувига кўра бошқа цикларда ўқишни давом эттириш учун цикл давомида якуний назорат босқичига қадар институтнинг ваколатли шахсларига (раҳбар, раҳбар ўринбосари, декан, ўқув бўлими бошлиғи, маркетинг бўлими бошлиғи ва бошқалар) мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Курсантларнинг таълим сифатининг қониқарсизлиги ҳақидаги аризалари якуний назорат босқичида қабул қилинмайди. Синов (имтиҳон) қайдномасида курсантларнинг имзоси йўқлиги таълим сифати назоратидан ўтмаганлигини билдиради ва қониқарсиз натижа билан тенглаштирилади. Бу ҳолларда бажарилган ишларни қабул қилиш-топшириш актига цикл куратори ва ўқув бўлинма раҳбарлари томонидан имзоланган ташриф журналидаги ёзувлар тенглаштирилади.

9.15 Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсидан муваффақиятли ўта олмаган шахсларга бу курсни ўрнатилган тартибда қайта ўтишга рухсат берилади.

9.16 Малака ошириш циклида 3 иш кунидан ортиқ, ихтисослаштириш циклида 6 иш кунидан ортиқ, лекин таълим ҳажмининг 30%гача *ҳужжатлар билан асосланган сабабли дарс қолдирган курсантларга* томонлар билан келишилган тартибда қолдирган машғулотларга қатнашиш имконияти берилади.

Курсантлар малака ошириш ва қайта тайёрлаш цикларида таълим ҳажмининг *30%дан кўп ҳужжатлар билан асосланган сабабли дарс қолдирган*ида, томонлар билан келишилган тартиб ва муддатда тўлиқ ҳажмда қайта ўқиш имконияти берилади.

9.17 *Курсантлар малака ошириш цикларига сабабсиз* 3 иш кунидан кўп, лекин таълим *ҳажмининг 30%гача* келмаса, таълим сифати назоратидан муваффаққиятли ўтганида ҳақиқатдан ўтилган таълим ҳажми кўрсатилган *сертификат* берилади.

9.18 Агар курсантлар малака ошириш циклида таълим *ҳажмининг 30% дан кўп*, *ихтисослаштириш* курсида 12 иш кунидан ортиқ *сабабсиз иштирок этмаган бўлса*, улар ўқув курсидан четлаштирилади, ҳақиқатдан ўтилган таълим ҳажми кўрсатилган маълумотнома берилади, сертификат берилмайди.

Кейинги таълим исталган вақтда тўлиқ ҳажмда янги шартномани расмийлаштириш билан аввал берилган маълумотномада кўрсатилган таълим ҳажмини ҳисобга олмаган

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

ҳолда олиб борилиши мумкин.

10. МАЛАКА ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИДА СИФАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИ

10.1 Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими фаолияти мазмуни ва сифатига қўйиладиган умумий талаблар соғлиқни сақлаш муассасаларининг таълим дастурига мос келадиган эҳтиёжлари, тингловчиларнинг етарли ва зарур бўлган тайёргарлик даражаси, уларнинг билим ва амалий кўникмаларининг соғлиқни сақлаш ходимларига қўйиладиган малака талабларига мослиги билан белгиланади. Турли йўналишдаги соғлиқни сақлаш муассасаларининг эҳтиёжлари малака ошириш ва қайта тайёрлаш йўналиши, даражаси, ҳажми ва мазмунини шакллантиради, таълим шакли ва адекват технологияларини танлашни таъминлайди.

Қайта тайёрлаш таълим дастурлари мазмунига қўйиладиган асосий талаблар:

- қайта тайёрлаш режаси ва дастурларининг олий ва ўрта махсус, касбий таълим Давлат таълим стандартлари билан ўзаро боғлиқлиги ва изчиллиги;
- замонавий таълим технологияси ва таълим воситаларини қўллаш;
- қайта тайёрлашнинг ўрнатилган тур ва шаклларга мувофиқлиги.

Малака ошириш таълим дастурлари таркибини шакллантиришда қуйидагилар инобатга олинади:

- Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг узлуксизлиги;
- фанлар бўйича янги билимлар, илғор чет эл тажрибаси;
- соғлиқни сақлаш соҳасидаги илмий ютуқлар, инновациялар ва замонавий технологиялар;
- замонавий таълим технологиялари ва услубларини қўллаш;
- замонавий ахборот коммуникация технологиялари ва уларни таълим жараёнига тадбиқ этишнинг ташкилий-услубий жиҳатлари;
- ўқув дастури ва ўқув материалларини доимий равишда такомиллаштириб бориш ва янгилаш;
- таълим жараёнини амалга оширишни режалаштириш ва назорат қилиш;
- соғлиқни сақлаш тизими меъёрий ҳужжатлари;
- соғлиқни сақлаш ва таълимда иқтисодиёт, маркетинг ва менежмент асослари;
- мазкур давлат талабларига мувофиқ дастур мазмунининг малака оширишнинг белгиланган тур ва шаклларига мослиги.

10.2 Малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқув дастурлари, ўқув материаллари ва адабиётлари (нашрлар) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибга мувофиқ ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Янги ўқув дастурларини апробациядан ўтказиш ва зарурий сифат даражасига етказиш мақсадида сифатини ошириш учун қайта ишлаб чиқилган ўқув дастурларини кейин ўрнатилган тартибда тасдиқлаш билан кафедра қарори асосида бир ўқув йили давомида бирламчи тадбиқ этиш мумкин.

10.3 Муассаса ва бўлинмалар фаолиятини назорат қилиш ва сифатини баҳолаш қуйидаги назорат турларини ўз ичига олади:

а) *ўқув назорати* – тингловчиларнинг билим ва кўникмаларини имтиҳон ва рейтинг назорати шаклида ўтказилади;

б) *ташкилий назорат* – ўқув жараёнини ташкил қилиш ва амалга ошириш муассасаларининг масъул ходимлари томонидан ўқув бўлинмалари ва бошқа ҳамкор ташкилотларда ҳам амалга оширилади;

в) *ташқи назорат* – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, давлат бошқарувининг бошқа масъул органлари томонидан амалга оширилади.

Ўқув назорати тартиби мазкур талаблар асосида, ташкилий назорат муассасалар томонидан мустақил равишда ўтказилади.

Ташқи назорат эса амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

10.4 Тингловчиларнинг билим, тажриба ва кўникмаларини жорий (машғулотларда), дастлабки (ўқишга қабул қилиш босқичида ёки бошланғич билим даражасини баҳолашда), оралиқ (маълум ўқув модули ёки мавзу тугатилганида) ва якуний назоратларни ўз ичига қамраб олган ўқув назоратининг барча турларида баҳолар 5 баллик тизим асосида қўйилади. Бунда "қониқарли", "яхши" ва "аъло" баҳолар – *ижобий*, "2- қониқарсиз" ва "1-ёмон" – *салбий* баҳо ҳисобланади.

5 балл – "аъло". Мезонлар:

ўқув дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, чуқур ва тўлиқ билимга эгалик, талаб этиладиган асос билан исбот келтириш;

илмий атамаларни тўғри ишлата олиш (шу жумладан, чет тилида ҳам), саволларга мантиқий тўғри, стилистик жиҳатдан саводли жавоб бериш;

муаммоли масалаларни аниқлаш, таклиф этилаётган даво-диагностика усулини илмий-амалий тилда исботлай олиш;

модуль аппарати тушунчасига эгалик, ундан қисқа муддат ичида илмий ва касбий муаммоларнинг шаклланиши ва ечишда самарали фойдалана олиш;

стандарт бўлмаган ҳолларда бемор муаммолари ва касбий муаммоларни мустақил ва ижодий ечиш қобилиятини намоён этиш;

модулнинг ўқув дастури тавсия этган асосий ва қўшимча адабиётларни тўлиқ ва чуқур ўзлаштириш;

ўрганилаётган муаммо назарияси, концепцияси ва йўналишларига йўналтириш, илмий ютуқлардан фойдаланиш, ўз йўналиши мутахассисларининг ҳаракати, илмий ва бошқа нашрларга танқидий баҳо бериш;

ўқув курси давомида машғулотларида фаол ва ижодий жиҳатдан мустақил равишда ишлаш, гуруҳли муҳокамаларда фаол иштирок этиш, вазифаларни бажаришда юқори маданият даражасига эгалик.

4 балл – "яхши". Мезонлар:

ўқув дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, чуқур ва тўлиқ билимга эгалик, талаб этиладиган асос билан исбот келтириш;

илмий атамаларни тўғри ишлатиш (шу жумладан, чет тилида ҳам), саволларга жавобни мантиқий тўғри, стилистик жиҳатдан саводли баён этиш;

таклиф этилаётган усул бўйича ўз фикрини асослаш ёки бошқа талаб этилаётган назарий ёки амалий материални баён этишда камчиликларни мустақил тўғирлаш;

модуль аппарати тушунчасига эгалик, ундан илмий ва касбий муаммоларнинг шаклланиши ва ечишда самарали фойдалана олиш;

ўқув дастури доирасида стандарт ҳолатларда муаммоларини мустақил ечиш;

амалий топшириқларда касбий билимини яхши кўрсатиш, ушбу билимларни янги ҳолатларда тўғри (лекин ҳар доим рационал эмас) қўллаш, бажарилган иш натижаларини расмийлаштириш улубига етарлича эга бўлмаслик;

курснинг ўқув дастурида тавсия этилган асосий адабиётларни ўзлаштириш;

ўрганилаётган ўқув курси бўйича асосий назария, концепция ва йўналишларга йўналтириш, уларга танқидий баҳо бериш;

модулни ўрганиш давомида семинар, амалий, лаборатория машғулотларида мустақил равишда фаол ишлаш, тизимли равишда гуруҳли муҳокамаларда иштирок этиш, вазифаларни бажаришда маданият даражасининг юкорилиги.

3 балл – "қониқарли". Мезонлар:

касбий талаб ва стандартлар доирасида етарли билимга эгалик;

асосий илмий атамаларни қўллаш, саволга тўғри жавоб бериш, лекин баъзи камчиликларга йўл қўйиш;

жавоб бериш ёки махсус билим ва кўникмаларни қўллашда қийинчилик юзага келганда, ўқув курси мавзуси бўйича асосий касбий билим ва кўникмаларни намойиш қилиш;

ўқув курси бўйича аппаратлар тўғрисида қисман тушунчага эга бўлиш, уни

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

стандарт (намунавий) масалаларни ечишда фойдалана олиш;

ўқитувчи раҳбарлиги ва ҳамкасблар ёрдамида стандарт (намунавий) масалаларни еча олиш;

ўрганилаётган ўқув курси бўйича таянч назария, концепция ва йўналишларга йўналтириш ва уларга баҳо бериш;

ўқитувчи раҳбарлиги остида семинар, амалий ва лаборатория машғулотларда ишлайди, вазифаларни бажаришда етарли даражада маданиятга эгалик.

2 балл – "қониқарсиз". Мезонлар:

касбий талаб ва стандартлар доирасидаги қисман билимга эгалик;

илмий атамаларни қўллай олмаслик ёки жавоб беришда қўпол мантиқий хатога йўл қўйиш;

семинар, амалий, лаборатория машғулотларда пассивлик, вазифаларни бажаришда маданият даражасининг пастлиги;

амалий кўникмаларга эга эмаслик, ўқитувчи ёки касбдошларининг тавсиялари ёрдамида ҳам хатоларни тузатиш қобилиятига эга бўлмаслик.

1 балл – "ёмон". Мезонлар:

таълим, касбий ривожланиш, касбий муаммоларга қизиқиш билдирмаслик;

касбий мотивациянинг энг паст даражасини намойиш этади ва зарур бўлган энг кам касбий кўникмаларнинг мавжуд эмаслиги.

Тест ва рейтинг назоратини ўтказишда ўтиш даражаси тест назоратида саволларнинг умумий сонидан 70% тўғри жавоб бериш, рейтинг назоратда эса максимал баллнинг 70% ҳисобланади. Тест ва рейтинг назорати бўйича 5 баллик тизимга кўра баҳолар нисбати қуйидаги тартибда аниқланади:

50% гача	- "ёмон"
50-70%	- "қониқарсиз"
70-80%	- "қониқарли"
80-90%	- "яхши"
90% ва ундан юқори	- "аъло".

Тест ва рейтинг назоратида салбий баҳо ("ёмон", "қониқарсиз") олинганда ўтмаган, ижобий баҳо ("қониқарли", "яхши", "аъло") олинганда эса назоратдан ўтган ҳисобланади.

10.5 *Тингловчиларнинг билим ва кўникмаларини синов шаклида назорат қилиш* қисқа муддатли мавзули малака ошириш курсларида ўтказилади (ҳажми 18 соатдан 72 соатгача бўлган курслар).

Синовда тингловчиларнинг давомати ва машғулот вақтидаги фаоллиги инобатга олинади ва фақат иккита баҳо "синовдан ўтди" ёки "синовдан ўтмади" қўйилади.

Тингловчи "синовдан ўтиши" олиши учун барча машғулотларга қатнашиши, қолдирилган дарсларни цикл куратор ўқитувчиси томонидан белгиланган тартибда қайта топшириши ва камида учта ижобий жорий баҳо олиши керак. Жорий баҳо бўлмаса ёки етарли миқдорда бўлмаса, синовдан ўтиши учун якуний сўров ўтказилади. Унинг натижасига кўра, якуний баҳо қўйилади. Ижобий якуний баҳо бўлганда "синовдан ўтди", салбий бўлганда эса "синовдан ўтмади" қўйилади.

10.6 *Тингловчиларнинг билим ва кўникмаларини имтиҳон шаклида назорат қилиш* мавзули малака ошириш курсида ўтказилади.

Имтиҳон баҳоси имтиҳон саволларига берилган жавоблар (оғзаки, ёзма ёки электрон назорат тизими ёрдамида) ва суҳбат ёки тест назорати натижалари асосида чиқарилади.

Имтиҳонда якуний баҳо имтиҳон баҳоси натижалари, якуний сўров, машғулот ва оралиқ назоратлардаги жорий баҳони ҳисобга олган ҳолда қўйилади. У қуйидаги формула бўйича балларда аниқланади:

$$ЯБ = (4*ИБ + 3*ТНБ + 3*ЖБ_{ўрта}) / 10$$

Бунда:

ЯБ – якуний баҳо;

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

ИБ – имтиҳон баҳоси;

ТНБ – тест назорати ёки суҳбат баҳоси;

$ЖБ_{ўртача}$ – ўртача жорий баҳо.

Якуний баҳо қолдиқли сон бўлганида бутун сонгача яхлитланади (масалан: 4,3 – 4 гача, 4,6 – 5 баллгача).

10.7 *Тингловчиларнинг билим ва кўникмаларини рейтинг тизимида баҳолаш* умумий малака ошириш, янги технологиялар бўйича мавзули малака ошириш (курс ҳажмидан қатъий назар) курсларида, шунингдек, қайта тайёрлаш курсларининг барча шаклларида аттестациядан ўтказишда амалга оширилади.

Рейтинг баллари ўқув курси давомида йиғилган барча натижалар, жумладан, жорий машғулотлардаги фаоллик (жорий баҳолар), уй вазифаларини бажариш (квизлар), алоҳида ўқув модуллари бўйича оралиқ тест назорати (ассесмент), курс ишини бажариш ва ҳимоя қилиш, малакавий амалиёт ўтиш, якуний тест, суҳбат ва якуний имтиҳон баллари йиғиндиси асосида аниқланади.

Рейтинг баҳолаш тизимида ўқишни муваффақиятли якунлаш мезони оралиқ ва якуний назоратнинг барча тур ва босқичларидан муваффақиятли ўтиш ҳисобланади. Имтиҳон, тест ва рейтинг назоратидан салбий баҳо билан ўтганда, якуний назоратдан *ўтмаган*, ижобий баҳода эса *ўтган* деб ҳисобланади. Якуний баҳо мос ўқув курси ишчи дастурини назорат қилиш тизимида кўрсатилган тингловчилар томонидан йиғилган рейтинг баллар йиғиндиси ва максимал рейтинг баллар йиғиндисининг фоиз нисбати асосида чиқарилади.

10.8. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курси якунида якуний назоратини ўтказиш бўйича комиссия таркиби ва унинг фаолиятини ташкил этиш ўқув бўлимининг раҳбари ёки муассасанинг ўқув ишлари бўйича раҳбар ўринбосари томонидан тасдиқланади.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

БИБЛИОГРАФИК МАЪЛУМОТЛАР

СУТ 01.040.01

Калит сўзлар:
Дипломдан кейинги таълим, малака ошириш, қайта тайёрлаш, ихтисослаштириш, узлуксиз касбий таълим, ўқитувчи, тьютор, тренер, устоз, тингловчи, курсант, ўқув дастури, ўқув курси, ўқув цикли, ўқув режаси, кредит-соатлар.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

ТАЙЁРЛАНДИ:

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

Ректор _____ **проф. Х.А.Акилов**
“_____” _____ 2018 й.

М.Ў.

КЕЛИШИЛДИ:

ЎзР ССВ Фан ва тиббий таълим бош бошқармаси бошлиғи

_____ **Ў.С. Исмаилов**
“____№» _____ 2018 й.

М.Ў.

O‘ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

O'z DSt_____:2018

Г О С У Д А Р С Т В Е Н Н Ы Й С Т А Н Д А Р Т РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ГОСУДАРСТВЕННЫЕ ТРЕБОВАНИЯ

К УПРАВЛЕНИЮ И ОРГАНИЗАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СИСТЕМЫ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ И ПЕРЕПОДГОТОВКИ РАБОТНИКОВ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ

Издание официальное

Министерство здравоохранения Республики Узбекистан

Ташкентский институт усовершенствования врачей

г. Ташкент

ПРЕДИСЛОВИЕ

1. **РАЗРАБОТАН И ВНЕСЕН:**
   Ташкентским институтом усовершенствования врачей.

2. **УТВЕРЖДЕН** приказом Министерства здравоохранения Республики Узбекистан за № 125 от"26" февраля 2018 года.

3. **ВВЕДЕН В ДЕЙСТВИЕ** Узбекским агентством стандартизации, метрологии и сертификации (агентство «Узстандарт») за от _____ года № _____.

4. **ВВОДИТСЯ В ДЕЙСТВИЕ В НОВОЙ РЕДАКЦИИ ВПЕРВЫЕ.**

Информация о введении в действие (прекращении действия) настоящего стандарта и изменение к нему на территории Республики Узбекистана публикуется в указателе, издаваемом агентством "Узстандарт". В случае пересмотра или отмены настоящего стандарта соответствующая информация будет опубликована в информационном указателе, издаваемом Агентством «Узстандарт».

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

Исключительное право официального опубликования настоящего стандарта на территории Узбекистана принадлежит агентству «Узстандарт»

СОДЕРЖАНИЕ

1. ОБЛАСТЬ ПРИМЕНЕНИЯ 1
2. ТЕРМИНЫ И ОПРЕДЕЛЕНИЯ: 1
3. ЦЕЛИ, ЗАДАЧИ, ПРИНЦИПЫ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ТРЕБОВАНИЙ 5
4. СТРУКТУРА СИСТЕМЫ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ И ПЕРЕПОДГОТОВКИ МЕДИЦИНСКИХ КАДРОВ 6
5. ПЕРСОНАЛ СИСТЕМЫ ПКиП 9
6. УЧЕБНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ В СИСТЕМЕ ПКиП 12
7. НОРМАТИВЫ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПЕРСОНАЛА СИСТЕМЫ ПКиП 20
8. ПЛАНИРОВАНИЕ, ОРГАНИЗАЦИЯ И ОТЧЁТНОСТЬ ПО УЧЕБНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ 27
9. ПОРЯДОК ОТБОРА, ЗАЧИСЛЕНИЯ, РЕГИСТРАЦИИ, ПРОВЕДЕНИЯ ОБУЧЕНИЯ И СЕРТИФИКАЦИИ СЛУШАТЕЛЕЙ 30
10. СИСТЕМА УПРАВЛЕНИЯ КАЧЕСТВОМ В СИСТЕМЕ ПКиП 34
БИБЛИОГРАФИЧЕСКИЕ ДАННЫЕ 38

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

ВВЕДЕНИЕ

Настоящие Государственные требования определяют порядок деятельности и требования к управлению и организации деятельности системы повышения квалификации и переподготовки медицинских работников.

Настоящие Государственные требования направлены на совершенствование планирования, организации, содержания, методического обеспечения, повышение качества и эффективности образовательного процесса в системе повышения квалификации и переподготовки медицинских работников, являются основой для планирования и организации деятельности системы, разработки учебных планов и программ, а также других документов, регламентирующих учебный процесс, порядок контроля и оценки качества образования.

Настоящие Государственные требования могут дополняться и совершенствоваться, исходя из перспектив социально-экономического развития страны, потребности образовательных учреждений, развития новых образовательных технологий и нетрадиционных форм обучения, мировых достижений в сфере здравоохранения, современных тенденций в области переподготовки и повышения квалификации персонала учреждений здравоохранения.

Выполнение настоящих Государственных требований обязательно для всех учреждений, расположенных на территории Республики Узбекистан, независимо от их ведомственной подчиненности и форм собственности, а также для международных организаций, осуществляющих мероприятия по повышению квалификации и переподготовке работников здравоохранения на территории Республики Узбекистан.

Государственные требования могут корректироваться и дополняться по мере необходимости и совершенствования системы повышения квалификации и переподготовки медицинских работников, исходя из перспектив развития отрасли здравоохранения, потребностей рынка, возможностей образовательных учреждений, развития новых педагогических технологий и нетрадиционных методов обучения, мировых достижений и тенденций в области повышения квалификации и переподготовки медицинских работников.

При разработке настоящих Государственных требований использованы следующие документы и нормативные ссылки:

- Гражданский кодекс Республики Узбекистан;
- Трудовой кодекс Республики Узбекистан;
- закон Республики Узбекистан об охране здоровья граждан;
- закон Республики Узбекистан об образовании;
-закон Республики Узбекистан «О национальной программе по подготовке кадров»
- указ Президента Республики Узбекистан 10 ноября 1998 г. № УП-2107 «О Государственной программе реформирования системы здравоохранения республики Узбекистан»;
- указ Президента Республики Узбекистан 19 сентября 2007 г. № УП-3923 «Об основных направлениях дальнейшего углубления реформ и реализации Государственной программы развития здравоохранения»;

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH VA
DAVLAT NAZORATINI
MUVOFIQLASHTIRISH
BOSHQARMASI

- постановление Президента Республики Узбекистан от 2 октября 2007 г. ПП-700 «О мерах по совершенствованию организации деятельности медицинских учреждений республики»;

- постановление Президента Республики Узбекистан от 20 апреля 2017 г. ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования»;

- постановление Президента Республики Узбекистан от 05 мая 2017 г. ПП-2956 «О мерах по дальнейшему реформированию системы медицинского образования»;

- постановление Президента Республики Узбекистан от 27 июля 2017 г. ПП-3151 «О мерах по дальнейшему расширению участия отраслей и сфер экономики в повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием»;

- постановление Кабинета Министров от 21 декабря 2005 года № 276 «Об утверждении усовершенствованной системы оплаты труда медицинских работников»;

- постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 01 августа 2008 г. № 164 «Об утверждении усовершенствованной системы оплаты труда работников высших образовательных учреждений республики»;

- постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 декабря 2009 г. № 319 «О совершенствовании системы повышения квалификации и переподготовки медицинских работников»;

- постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 10 августа 2012 г. № 242 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы повышения квалификации и переподготовки руководящих и педагогических кадров средних специальных, профессиональных образовательных учреждений»;

- постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 04 апреля 2017 г. № 174 «О дополнительных мерах по совершенствованию системы повышения квалификации и переподготовки медицинских работников»;

